O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA 12 (118)-сон, 2006 йил 23 март www.21asr.com



2 Аҳоли даромадлари 22 фоизга ўсди

6 «Нодирабегим» тажрибаси қўл келмоқда. Аммо...

13 Лейбористларнинг сири ошкор бўлди

14 «Пахтакор»нинг кутилмаган мағлубияти


**"Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамият ва давлатга айлантириш, авваламбор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, тадбиркор ва ишбилармонлар аҳли, деган бўлардим**
**Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — шу мақсадларга эришишда жамиятимизнинг мана шу тоифаси, мана шу қатлами давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши аён".**

**Ислом КАРИМОВ.**

Катта тантаналар билан нишонланаётган қадимий ва ардоқли байрам — Наврўз давом этаётган шу қувончли кунларда мамлакатимизда фаолият юритаётган энг сара тадбиркор ва ишбилармонларнинг бир гуруҳи ўз имкониятларини яна бир карра имтиҳондан ўтказиш учун пойтахтга ташриф буюрди. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикасида кўзга кўринган "Давронбек-Нукус" хусусий корхонаси раҳбари Сайёра Матназарова, хоразмлик "Уста Матвафо" фермер хўжалиги раиси Шуҳрат Удабоев, Тошкент вилоятидан машҳур ҳунарманд Зарифахон Баҳодирова, Навоий вилоятидан "Ортмедфарм-сервис" МЧЖ раҳбари Фахриддин Баратов каби O`zLiDeP аъзолари бор. Танловнинг республика босқичида вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўрик-танловларида ғолиб чиққан 41 нафар хусусий тадбиркорлик вакили иштирок этади.













**«Ташаббус-2006»**

# Омад ёр бўлсин, тадбиркорлар!

Бугун пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун анъанавий "Ташаббус–2006" кўрик–танловининг республика босқичи бошланади

"Ташаббус-2006"нинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у анъанага айланган кўрик-танловларнинг ўнинчисидир. 1996 йилдан бери ўтказилаётган ўзига хос ушбу мусобақада 10 йил мобайнида тадбиркорликка бел боғлаган 100 мингдан зиёд юртдошимиз иштирок этди.

Ушбу ажойиб тадбир илк бор ўтказилганидан буён мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони бир неча баробар ортди ва иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Юртбошимиз 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида таъкидлаганларидек: "Ҳозирги кунда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Бугун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. ... Мамлакатимиз фермер хўжаликларида бугунги кунда 1 млн.дан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди".

Бугун бошланаётган, эртага "Туркистон" саройида якунланадиган кўрик-танлов натижаларини миллионлаб юртдошларимиз катта ҳаяжон ва интиқлик билан кузатишлари аниқ.

Анъанага кўра, кўрик-танловга Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташкилотчилик қилмоқда. У Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, шунингдек, бир қатор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ва молиявий кўмагида ўтади.

Танлов иштирокчиларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳам махсус соврини ва қимматбаҳо совғалари топширилади.

Танловда иштирок этаётганларнинг аксарияти юртимизнинг энг таниқли тадбиркорларидир. Демак, асосий совринлар учун кураш ниҳоятда қизғин бўлиши табиий. Биз эса уларнинг барчасига омад ёр бўлишини тилаймиз.

***O`zLiDeP фракциясида***

Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мажлисида кун тартибига киритилган бир қатор масалалар қаторида бугунги кунда айрим давлатлар томонидан Ўзбекистонга нисбатан турли усуллар орқали ахборот хуружи давом этаётгани масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

# Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

**Ўз мухбиримиз**

Турли "таҳлилчилар"нинг тадқиқотлари ва айрим идораларнинг ҳисоботи тарзида эълон қилинаётган бундай "маълумотлар"ни тарқатишдан мақсад мамлакатимиздаги асл ҳолатдан бехабар кишиларда юртимизда кечаётган ислоҳотлар тўғрисида нотўғри фикр шакллантириш, ҳатто инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ниқоби остида мустақил давлатимизнинг ички ишларига аралашишга уринишдир.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова АҚШ давлат департаменти тарқатган ҳисоботдаги маълумотлар бир томонлама ва асоссиз эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ҳисоботда, аввало, ҳеч қандай янгиликнинг ўзи йўқ. Қолаверса, сўнгги йилларда Ўзбекистон суд тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар, бу борада эришилаётган ютуқлар, либераллаштириш жараёнлари ҳақида лом-мим дейилмаган. Аксинча, фақат бўрттирилган камчилик ва муаммолар қайд этилганки, бу нохолис ёндашувдан бошқа нарса эмас. Келтирилган далиллар ҳақиқатга умуман тўғри келмайди. Ажабланарлиси — турли «рангли инқилоб»лар амалга оширилган давлатларда инсон ҳуқуқлари бузилмаётганига алоҳида урғу берилган. Ваҳоланки, бу мамлакатларда инсон ҳуқуқларига нечоғли амал қилинаётганини биз — соҳа мутахассислари жуда яхши биламиз, — деди Сайёра Рашидова.

Маълумки, АҚШ давлат департаменти дунёда инсон ҳуқуқлари аҳволи тўғрисида ҳар йили ҳисобот чоп этади. Аммо мазкур мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари масаласига қўштандартлар асосида ёндашиши кейинги пайтларда одат тусига кириб қолди. Унинг яқинда эълон қилинган ҳисоботи дунёнинг ўндан ортиқ давлати, жумладан, Россия, Хитой, Арманистон, Озарбойжон, Исроилнинг кескин эътирозларига сабаб бўлди.

Ваҳоланки, АҚШ давлат департаментининг "қора рўйхат"ига тушган давлатлар эмас, аксинча Вашингтоннинг ўзи дунёнинг турли қисмларида махфий қамоқхоналар ташкил этиш, у ерларга бегуноҳ одамларни ўғирлаб келтириб, жисмоний азоб бериш, Ироқ ва Афғонистон каби мамлакатларда маҳбусларни хўрлаш, душман жасадларини куйдириш, ёш болалар ва аёлларни отиб ташлашга фатво бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мажлисда таъкидландики, халқ вакиллари мавжуд вазиятга жиддий муносабат билдириб, аҳоли билан учрашувларда юқорида таъкидланган маълумотлар муаллифларининг асл қиёфаларининг ғаразли мақсадларини кенг тушунтиришлари лозим.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, демократия қурилиши мураккаб ва узоқ давом этувчи жараёндир. Қолаверса, унинг барча мамлакатлар учун қўлланса бўладиган ягона модели мавжуд эмас, чунки демократия ўз моҳиятига кўра ҳар бир жамиятга хос бўлган тарихий ва маданий хусусиятларни, сиёсий ва ҳуқуқий анъаналарни акс эттиради. Бироқ бугун айрим давлатлар томонидан йўл қўйилаётган энг катта хато — эркинлик ва адолат тамойилларини ўргатиш ўрнига "демократик моделларни" экспорт қилишга уринаётганларидир.

Фракция мажлисида, шунингдек, қатор қонун лойиҳалари, хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида", шунингдек, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди. "Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисида"ги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг «Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисида»ги Мадрид битимига доир баённомага ( Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини маъқулланди.

## Узоқ ва яқин хорижда

**Хитой**

## Volvo янги бозорга интилмоқда



**Мазкур фирма S40 моделини ХХРда ишлаб чиқаришни бошламоқчи. Volvo рақибларидан кечикиброқ иш бошлашни режалаштираётган бўлса-да, ушбу улкан бозордан муносиб ўрин эгаллашдан умидвор. Америка Ford компаниясининг бўлинмаси бўлмиш Швеция фирмаси ўз автомобилларини Чунсин шаҳридаги заводларда тайёрлашга киришмоқда.**

**Volvo вакиллари айтишларича, «Чаньгань-Форд» қўшма корхонаси йилига 10 минг дона енгил машина ишлаб чиқаради. Бироқ шу пайтгача фирма Хитой бозорида ўз рақибларидан ортда қолиб келаяпти: 2004 йилда маҳаллий бозорда фирманинг атиги 3 минг дона автомобили сотилган, холос. Ҳозирча Хитойда Volkswagen ва BMW заводлари ишлаб турибди, Daimler Chrysler эса "мерседес"лар ишлаб чиқариш учун корхоналар қураяпти. Бугунги кунда Хитой ўрта синфининг фаровонлиги ва эҳтиёжи ошиб бораётгани сайин Ғарб тадбиркорлари ҳам шу бозорда ишлашни афзал кўрмоқдалар. Кузатувчилар эса Хитойнинг яқин йиллар мобайнида автомобиль ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг энг пешқадам давлатига айланишини башорат қилмоқдалар.**

**Эрон**

## Оятуллонинг қатъий фикри



**БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мамлакат ядро дастури юзасидан Ислом Республикаси манфаатларига зид келадиган ҳар қандай қарорига зинҳор рози бўлмаймиз, деди Эроннинг диний раҳнамоси Оятулло Али Ҳоманаи. Оятуллонинг сўзларига қараганда, Эрон ядро технологиялари учун "тўлиқ ҳуқуқлидир" ҳамда тинч мақсадлардаги ядро дастури устида олиб борилаётган ишларни тўхтатиш ҳақида БМТ таклиф этадиган ҳар қандай чораларни инобатга олмайди. "Мамлакатимиз манфаатларига зид бўлган ҳар қандай қарорларни рад этаверамиз", — деди Али Ҳоманаи.**

**Ҳозирги пайтда Хавфсизлик Кенгаши Эронда амалга оширилаётган уранни бойитиш дастурига нисбатан қандай чоралар кўриш лозимлигини муҳокама қилмоқда. Кенгашнинг бешта доимий аъзоси (Буюк Британия, Хитой, Россия, Франция, АҚШ) ҳамда Германия мана шу ҳафтада мазкур масала бўйича умумий позицияни аниқлаб олиш устидаги ишни давом эттирадилар.**

## Меҳнат ярмаркаси

Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда "Маҳалла" жамғармаси шу мақсадда "Қўшҳовуз" маҳалласида бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этишди.

Ярмаркада шаҳардаги 92 та корхона ва ташкилот, ўқув юртлари мавжуд 1000 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Бундан ташқари, "Усто" бирлашмаси ва "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари ҳам тадбирда фаол иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 21 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 883,56 | 1 Миср фунти | 210,55 | 1 Польша злотийси | 369,32 | 10 Жанубий Корея вони | 12,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2081,24 | 1 Исландия кронаси | 17,14 | 1 СДР | 1727,46 | 10 Япония иенаси | 101,38 |
| 1 Дания кронаси | 193,09 | 1 Канада доллари | 1039,68 | 1 Туркия лираси | 897,21 | 1 Россия рубли | 43,02 |
| 1 БАА дирҳами | 328,21 | 1 Хитой юани | 149,76 | 1 Швейцария франки | 916,17 | 1 Украина гривнаси | 238,69 |
| 1 АҚШ доллари | 1205,40 | 1 Малайзия ринггити | 324,25 | 1 ЕВРО | 1439,85 | | |

*ДУНЁДАГИ барча иззат-икромлар биргина яхши дўстнинг ўрнини босолмайди*

XXI_ASR@yahoo.com

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН

# Ўзаро ҳамкорлик йўлидаги яна бир муҳим қадам

## Қозоғистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга ташрифи жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан юқори баҳоланмоқда



Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва Тошкентда эришилган аҳдлашувлар нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Гап фақат икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигида эмас, балки минтақанинг етакчи давлатлари ўртасида аънавий қўшничилик, қардошлик муносабатлари давр синовларидан муваффақиятли ўтиб, тобора мустаҳкамланиб бораётганидадир.
Шу ҳафта юртимизда меҳмон бўлган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасидаги музокараларнинг бош мавзуи ҳам айнан қўшни ва дўст мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Нурсултон Назарбоевнинг ушбу лавозимга қайта сайланганидан сўнг илк хорижий давлат ташрифини айнан юртимиздан бошлагани ҳам Қозоғистон ўз ташқи сиёсатида МДҲ йўналишига, айниқса, Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга устувор даражада аҳамият бераётганидан далолатдир.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**

Бу бежиз эмас, албатта. Тарихи, маданияти, урф-одатлари, тили ва дини бир ўзбек ва қозоқ халқи азал-азалдан дўст-қардош, қуда-анда, елкадош бўлиб келган. Собиқ иттифоқ парчаланиб, давлатларимиз мустақилликка эришганидан сўнг бу ришталар янада мустаҳкамланди. Азалий анъаналар янгича мазмун ва моҳият касб этди.

Шу ўринда 1997 йил 31 октябрда давлатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги Шартномани имзолашга бағишланган маросимда Юртбошимизнинг "Нурсултон Абишевич таклифимни қабул қилмаган ёки мен унинг таклифини рад этган пайтни эслолмайман", деган гапи нечоғли ҳаётий заминга эга эканлиги бугун ўзининг тўла исботини топмоқда.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида президентлар томонидан ўртага ташланган сармоялар киритишни кенгайтиришга оид таклифлар иқтисодиётни янада ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, демакки, ҳар икки мамлакат тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз. Шуниси диққатга сазоворки, давлатларимизнинг ташқи сиёсий йўналиши ҳам деярли бир-бирига мос. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон "Ягона Хитой" сиёсатига содиқ қолиб, Тайваннинг айирмачилик ҳаракатларини қўллаб-қувватламасликларини баён этишди. Худди шунга ўхшаш якдилликни халқаро ҳаётнинг бошқа муҳим соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

Қардош мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик иқтисодий жабҳада ҳам мустаҳкам асос (90 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланган)га эга. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш, эркин савдо, икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга оид келишув ва шартномалар шулар жумласидандир.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган музокаралари давомида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг манфаатли алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантириш, божхона ва чегара тартибларини енгиллаштириш, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалалар хусусида атрофлича фикрлашиб олинди.

Маълумотларга кўра, бугун мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми ярим миллиард доллардан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда. Бу миқдор сўнгги уч йил ичида 75 фоизга ўсгани ҳам эътиборга моликдир. Бироқ ҳаётий манфаатлардан келиб чиқиладиган бўлса, ҳали мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани ҳам аён бўлади. Шу сабабли ташриф доирасида ўтказилган бизнес-форум давомида иқтисодиётга оид муҳим таклифлар ўртага ташланди, хусусан, Ўзбекистондан Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Серқуёш юртимизда йилига 5 миллион тонна ноз-неъмат етиштирилади. Аҳоли эҳтиёжини қондириш учун шунинг ярми кифоя, холос. Демак, 2,5 миллион тонна маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш мумкин. Статистик маълумотларга кўра 2005 йилда экспорт қилинган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг атиги 4 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. Ваҳоланки, бу миқдорни бир неча баробарга ошириш имкони бор. Қозоғистонда эса айнан ана шундай маҳсулотларга талаб катта. Қолаверса, даврнинг ўзи енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транпорт коммуникациялари, нефть-газ ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Музокаралар чоғида ҳар иккала мамлакат учун ҳаётий зарур бўлган товарлар рўйхатини тузиб чиқиш ва бевосита савдо-сотиқни кенгайтириш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлгани ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўшимча имконият яратади. Мазкур уюшма таркибида келишиб иш кўриш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан барча бирдай манфаатдордир. Музокаралар чоғида Президентимиз Ислом Каримов банк капиталининг иқтисодий соҳадаги ҳиссасига алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон қўшни мамлакатлар капитали учун очиқ эканлигини таъкидлади ва айнан шу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Қозоғистон Тараққиёт банкининг Тошкент филиалини очиш таклифини илгари сурди.

Ташрифнинг муҳим натижаларидан яна бири — Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисида келишиб олинди. Мазкур ташкилот ўз ечимини кутаётган талай муаммоларни ҳал этиш йўлида хизмат қилади. Тузилманинг асосий эътибори ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилади, энг муҳими, унинг фаолияти бевосита икки давлат раҳбарлари назоратида бўлади.

*Мамлакатларимиз ўртасидаги йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилда 425,9 млн., 2005 йилда эса 516,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ миқдори илк бор ярим миллиарддан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда. Жорий йилнинг январига доир кўрсаткич 40,4 млн. долларни ташкил этгани ҳам бу борада ўсиш давом этаётганидан далолат беради.*
*Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхонаси бор.*

Яна бир масала. Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувга муносабат билдираётган Қозоғистон ва хорижий мамлакатлар кузатувчилари мураккаб шароитларда ҳам тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш учун Ўзбекистон раҳбариятининг зўр ирода ва қатъият кўрсатганлигини эътироф этмоқдалар. "Ислом Каримов террорчилик ҳаракатлари авж олган, оғир сиёсий вазиятлар юзага келган дамларда қатъият билан ҳаракат қилиб, узоқни кўра олувчи сиёсати орқали давлат кемасини тўфонлардан оқилона олиб чиқа билди. Мамлакатдаги ички вазиятнинг "тожик ёки қирғиз сценарийси" асосида ривожланишига йўл қўймади. Ўзбекистоннинг ташқи хавфсизлигини таъминлашга эришди. Айрим қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон 2005 йилни муваффақиятли якунлади. Аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга ўсди", деб таъкидлашади қозоғистонлик сиёсатчилар. Нурсултон Назарбоев ҳам Ғарб тўқиб чиқарган қатор иғвогарликларни бошдан ўтказди. Ана шундай қийин лаҳзаларда у қозоқ халқининг мададига таянди. Сайловчилар 2000 йилдан бери кузатилаётган саноат ишлаб чиқариш суръатларининг кескин ошганини юқори баҳоладилар. Президентлик сайловида Назарбоевнинг 90 фоиздан кўпроқ овоз олгани халқнинг унга бўлган юксак ишончидан далолатдир.

Қозоғистон парламенти депутати Султанов "Умумий муаммоларимизни алоҳида-алоҳида ҳолда еча олмаймиз. Ўзбекистон ва Қозоғистон бир-бирига жуда зарур иттифоқчилардир", дея таъкидлади. Унинг фикрича, сиёсатчиларнинг яқин ҳамкорлиги оддий халқ учун ниҳоятда фойдалидир.

Осиёдаги қудратли давлатлардан бири саналган Хитой матбуоти ҳам Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг учрашувига ижобий муносабат билдирди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон айни пайтда МДҲ, ШҲТ ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик олиб бормоқда. Ўзаро савдо айланмасининг йил сайин ортаётганлиги, транспорт-коммуникация хизмати, машинасозлик саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ёзади Хитойнинг "Жэньминь жибао" газетаси.

Ташриф давомида Марказий Осиёда ядросиз ҳудудни ташкил этишга оид масалага эътибор қаратилди. Яқин вақтларда ШҲТ, ЕврАзЭС доирасида алоҳида кўриб чиқилиши мўлжалланаётган мазкур ташаббус Ўзбекистон томонидан ўртага ташланган. Қозоғистоннинг Курчатов шаҳрида ана шу хусусдаги битимни имзолаш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги барқарор ҳамкорлик, умумий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишдан нафақат икки мамлакат, балки бутун Марказий Осиё халқлари тўла манфаатдор. Минтақа тинчлиги, осойишталиги, фаровонлиги ҳар икки қардош мамлакат муносабатларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ушбу ташриф давомида яна бир бор ўз исботини топди.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

O`zLiDeP
Матбуот хизмати
хабар қилади

**Тошкент.** Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг амалий тизимини шакллантириш O`zLiDeP сиёсий фаолиятида устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада партия ҳудудий кенгашлари томонидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Партиянинг Бўстонлиқ туман кенгаши ташаббуси билан "Бўстон" болалар спорт мажмуасида "Наврўз - меҳр. саховат рамзи" мавзуида тадбир ташкил этилди. Унга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда 125 ва 6 сонли мактаб-интернат тарбияланувчилари таклиф қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Р. Охунов ҳамда Тошкент вилояти "Маънавият ва маърифат" маркази раиси С. Қурбонқуловлар иштирокчиларни Наврўз айёми билан табриклаб, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида айнан аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган бандларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича шарҳлаб бердилар. Стол тенниси, шахмат-шашка, армрестлинг, футбол бўйича ногирон болалар ўртасида ўтказилган мусобақалар тадбирга тантанали руҳ бағишлади.

Ушбу тадбир якунида ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган совға-саломлар, спорт анжомлари мактаб интернат тарбияланувчиларига топширилди.

•••

**Қорақалпоғистон.** Вазирликлар уйи мажлислар залида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлимининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда "Ёшлар қаноти" томонидан олиб борилган ишлар, унинг ташкилий тузилмаси гуруҳ ва Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий тамойиллари ва вазифалари батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси, депутат П. Реймов, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими ходимлари Ҳ. Иброҳимов ва Б. Мардаев сўзга чиқиб, "Ёшлар қаноти" гуруҳи аъзоларининг янги таркиби республикамиздаги идоралар, вазирликлар ва бошқарув ташкилотлари масъул ходимларидан ташкил топганлиги ёшлар муаммолари ечимини топиш ва бартараф этишда, партиянинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Пировардида O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг 35 кишидан иборат янги гуруҳи таркиби ва 15 кишидан иборат Жамоатчилик кенгаши сайланди ҳамда бўлимнинг иш режаси тасдиқланди.

•••

**Фарғона.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлардан буён бир ярим йил вақт ўтди.

Бугун депутатлар ўз сайловчилари билан узвий алоқа ўрнатишганми, улар ўз зиммаларидаги масъулиятни қай даражада ҳис этишаяпти, ваколатларидан тўлиқ фойдаланишаяптими? Бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта.

O`zLiDePнинг Фарғона вилоят кенгаши ва Фарғона туман кенгаши ҳамкорлигида Миндон қишлоғида уюштирилган давра суҳбатида юқоридаги саволларга жавоб изланди.

Тадбирда партия вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Ғ. Абдуллаев, Сиёсий таълим маркази раҳбари А.Тешабоев, бир гуруҳ маҳаллий кенгашларнинг бир гуруҳ депутатлари, тадбиркорлар ва маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар аҳолининг ижтимоий турмуш тарзида ҳали-ҳануз ечимини топмаётган муаммолар, уларни ҳал қилишда депутатларнинг иштироки ва роли, шунингдек, бу борада партия кенгашлари олдида турган вазифалар ҳақида қизғин баҳс юритдилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ партиявий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

•••

**Наманган.** Партиянинг Мингбулоқ туман кенгаши ва Ўзбекистон фермерлар уюшмасининг туман филиали ҳамкорлигида "Тадбиркорлик - мамлакатимиз келажаги" мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда тадбиркорлар ва фермерлар, партия фаоллари ва маҳалла оқсоқоллари иштирок этиб, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда учинчи сектор вакиллари олдида турган устувор вазифалар, бу борадаги партия Дастурида белгилаб қўйилган режалар ижросини таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

•••

**Сурхондарё.** O`zLiDePнинг Денов туман кенгаши, туман ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар уюшмасининг филиаллари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлашга бағишланган тадбир ташкил қилинди. Унда бир гуруҳ хусусий тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар иштирок этишди. Тадбирда асосий эътибор сектор вакилларининг ҳуқуқий кафолатлари ва эркинликлари, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими масалаларига қаратилди. Сўзга чиққан давлат солиқ инспекцияси масъул ходимлари тадбиркорликка оид қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий асослар тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

ХУШХАБАР

# «Фермер маркет» очилди

**НУКУС** /ЎзА мухбири **А.ОРТИҚБОЕВ**/. Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳрида Наврўз арафасида қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлари ва минерал ўғит билан савдо қиладиган "Фермер маркет" очилди. "Қирққизободтаъминоттаъмир" масъулияти чекланган жамиятга қарашли ушбу савдо шохобчасида қишлоқ хўжалик техникалари ва механизмларининг 800 дан зиёд ассортиментдаги эҳтиёт қисмлари сотилмоқда.

— Фермерларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида дастлаб 30 миллион сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмларни савдога чиқардик, — дейди "Фермер маркет" раҳбари Отабек Раҳимов. — Буюртма асосида нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан қишлоқ хўжалик техникалари, уларнинг эҳтиёт қисмлари таъминотини кенг йўлга қўямиз. Экиш мавсуми даврида фермерларга қулайлик яратиш учун зарур эҳтиёт қисмларни дала бошига етказиб беришни режалаштирмоқдамиз.

— Савдо шохобчасининг очилиши жуда катта қулайликлар яратди, — дейди "Коинот" фермер хўжалиги раҳбари Шамсуддин Фахруддинов. — Айни экиш мавсуми қизиган паллада бозорма-бозор эҳтиёт қисм ахтариб, вақт йўқотмайдиган бўлдик.

Тумандаги "Сарибий" ва "Қирққиз" овулларида ҳам мазкур савдо марказининг филиалларини очиш мўлжалланмоқда.

# Фотоҳаваскорлар кўргазмаси

**ТОШКЕНТ.** (ЎзА мухбири **Назокат УСМОНОВА**). Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида ҳаваскор фотосуратчиларнинг республика кўргазмаси якунланди. У Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамғармалари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юз нафарга яқин ҳаваскор фотосуратчининг тўрт юздан зиёд асари — мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари, миллий анъана ва урф-одатларимиз, қадриятларимиз, Ватанимизнинг гўзал табиат манзаралари акс эттирилган суратлар, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» мавзуидаги лавҳалар танлаб олинди.

Кўргазма доирасида ўтказилган танловда биринчи ўрин қашқадарёлик ҳаваскор фотоижодкор Шерниёз Қаюмовга, иккинчи ўрин самарқандлик Николай Султоновга, учинчи ўрин қорақалпоғистонлик Саломат Елмуродовга насиб этди.

# Ўлкамизда Наврўз тантаналари

Юртимизга сахий бағрини очиб, Наврўз кириб келди. Бугун қайбири гўшага борманг, ўйин-кулги, шоду хуррамлик устидан чиқасиз. Халқимизнинг азалий байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Қир-адирлар, боғу роғлар яшил либосга бурканиб, майса-гиёҳлар тупроқни ёриб, қуёшга талпинаётган ажиб бир паллада одамзод беихтиёр табиат билан уйғун бўлиб яшашга, сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, бу баҳор неъматларини ўз яқинлари, дўсту биродарлари, қадрдонлари билан баҳам кўришга, хурсандчилик билан сайл-томошалар ўтказишга интилади".

Ҳақиқатан ҳам табиат уйғона бошлаган ушбу сафоли кунларни халқимиз қадим-қадимдан эъзозлаб, келган. Мустақиллик йилларида эса бу анъана янада бойитилиб, ҳақиқий умумхалқ байрамига айланди. Айниқса, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинган 2006 йилнинг Наврўз тантаналари ўзгача руҳ билан ўтмоқда. Халқимиз байрам тантаналарида азалий қадриятларимиз ҳисобланмиш меҳр-мурувват, ҳомийлик фазилатларини ҳам намоён этмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жойлардаги ҳудудий ташкилотлари, кўпминг сонли фаоллари ҳам Наврўзга атаб оммавий тадбирлар ўтказмоқдалар.









Шанба куни O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Тошкент вилоят ҳамда Чиноз туман кенгашлари ҳамкорлигида "Наврўзинг муборак, элим!" деб номланган тадбир ўтказилди. Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Тошкент вилояти туман, шаҳар кенгашлари вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, фермерлар, ишбилармонлар, маориф ва тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Туман ҳокими Б. Эшонов, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари М. Акромова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия туман кенгашининг раиси А. Бўриев сўзга чиқиб, иштирокчиларни янгиланиш, юксалиш ва меҳр-саховат айёми билан самимий табрикладилар.

Ардоқли айёмга бағишланган тадбирда Мукаррама Турғунбоева номли ўзбек давлат "Баҳор" ашула ва рақс ансамблининг Ўзбекистон халқ артисти Маъмурахон Эргашева бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлари эзгулик ва гўзалликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари, рақслари билан йиғилганлар қалбига баҳорий қувонч ва шодлик улашдилар.

Тадбир сўнгида чинозлик тадбиркор ва фермерлар фаолиятини акс эттирувчи кўргазма намойиш қилинди, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга партия туман кенгашининг совға-саломлари улашилди, партия аъзолигига яқинда қабул қилинганларга тантанали равишда гувоҳномалар топширилди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, партия юқори ва қуйи тузилмалари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш, аҳоли кенг қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, уларга O`zLiDeP ғояларини атрофлича тушунтиришдир, - дейди партия Тошкент вилоят кенгаши масъул ходими Раъно Ҳолиқова. — Зеро, ҳамиша халқ орасида бўлиш, қувонч ва ташвишларини баҳам кўриш партиямиз фаолиятида бош йўналишлардан бири ҳисобланади.

## Қадим анъаналарга садоқат

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида Наманган вилоятида ўтказилган умумхалқ ҳашари кексаю ёшнинг эзгу мақсадлар йўлидаги муштараклиги-ю, қадим анъаналарга садоқатлилигини яна бир карра намоён этди.

Наврўзолди меҳнат байрамида 991,4 минг киши иштирок этди. Уларнинг куч-ғайрати билан 3666 гектар майдон ободонлаштирилди. 745 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 505 та қабристон ҳамда 54 та зиёратгоҳ ҳудуди тартибга келтирилди.

Фақат шугина эмас. Баҳорни интиқлик билан кутган наманганликлар ҳар дақиқани ғанимат билиб, астойдил меҳнат қилаяптилар. Ҳозиргача 2300 тупдан ортиқ дарахтларга шакл берилди, 377,4 минг туп гул, 410,5 минг туп манзарали ва 369,1 минг туп мевали кўчатлар ўтқазилди. Ҳашар йўли билан 255,5 минг квадрат-метр ҳажмдаги уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди.

— Наврўз байрамига тайёргарлик асносида Бобораҳим Машраб номли боғда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдик,—дейди вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасига қарашли "Таъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамият раҳбари, O`zLiDeP фаолларидан бири Моҳиржон Бобожонов. — Янги кун айни пайтда меҳр-оқибат рамзи ҳамдир. Мурувватпешалик — халқимизга хос олижаноб фазилат.

— Яратганнинг ҳар бир куни улуғ ва қадрли. Аммо Наврўз байрами биз учун ҳамма нарсадан азизроқдир, — дейди Чортоқ шаҳридаги Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ таълими фахрийси Жўрахон опа Қобулова.

Дарҳақиқат, Наврўз халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Наврўз муносабати билан вилоятдаги қўли очиқ, саховатпеша инсонлар кимларнингдир ўксик кўнгилларига малҳам бўлаётганига Яратганнинг ўзи гувоҳ. Қалбида аждодлар қони оқаётган мурувватли ватандошларимизнинг бу каби хайрли ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Байрам арафасида вилоят ҳокими, Сенатор аъзоси Икромхон Нажмиддинов меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларга совға-саломлар топширди.

«Гуллар шаҳри» дея ном олган Наманган шу кунларда ўзгача жозиба ва гўзаллик касб этган. Кўчалар, майдонлар ва хиёбонларда байрам шодиёналари давом этмоқда.

Бу, албатта, юртимизнинг осойишталиги, халқимизнинг бағри бутлигидан нишонадир.

## Истиқбол нуридан мунаввар юрт бу...

Наврўз ҳар йили Сурхондарёга бошқа ҳудудларга нисбатан анча эрта келади. Шу боис жануб қуёшининг тафтидан бодомлар март ойининг бошларидаёқ қийғос гуллайди. Кейин эса ўриклар ҳам келинчакдек безаниб, баҳор кириб келганидан, янги кун, янги йил бошланаётганидан дарак беради.

— Умрим деҳқончилик билан ўтди, — дейди шўрчилик юз ёшли Поён бобо кўм-кўк далаларга нигоҳ ташлар экан. — Ҳалол меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмаган. Бўлмайди ҳам. Наврўз айни меҳнат ва яратиш фаслидир. Сумалак учун дошқозонлар Сурхонда бошқа жойларга нисбатан анча эртароқ осилади. Шу боис ҳам одамларимизнинг кўзи, назари тўқ, болаларим. Истиқлол Наврўзни 70 йилдан сўнг бизга қайтариб берди. Илгари замонда бу байрам ҳеч қачон ҳозиргидек кенг нишонланган эмас.

Дарҳақиқат, Наврўз айёми муносабати билан маҳаллаларда кўча ва хиёбонларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди, минг-минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Дошқозонларда пиширилган Наврўз таоми — сумалакни емабсиз, оламга келмабсиз. Байрам муносабати билан ногирон ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга турли совғалар улашилди. Вилоятдаги ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва қўрғонда, шаҳар ва туманларда халқ шодиёналари давом этмоқда. Термиз шаҳрида театрлаштирилган байрам томошалари ташкил этилди. Вилоят марказидаги "Алпомиш" мажмуасида ўтовлар тикилиб, турли дастурлар, урф-одат ва удумлар намойиш этилди. Термиз шаҳридаги "Амфитеатр" биносида воҳа аҳлининг Наврўзга бағишланган тантаналари бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов сўзга чиқиб, барчани байрам билан самимий муборакбод этди. Ўтган йил эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди, галдаги вазифалар белгиланди.

## Яшариш ва бунёдкорлик байрами

Унинг қутлуғ қадами ҳар бир оилага тинчлик, фаровонлик, ризқу-рўз, барака олиб кираётир. Табиат уйғониб, чор атроф яшил либос кийган ушбу дамларда қашқадарёликлар ҳам яратиш ва яшнатиш орзуси билан яшашмоқда. Тўй тўйга уланаяпти.

Хусусан, қўшалоқ байрам — Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги арафасида дилларда бунёдкорлик ишқи тобора жўш ураётир. Қарши шаҳрида 20 минг ўринли ўйингоҳ, амфитеатр, янги коллеж, лицей, мактаб, уй-жой қурилиши жадаллик билан давом эттирилаётир. Шаҳар ва қишлоқларда боғ-роғлар, гулзорлар барпо этилиб, йўллар равонлаштириляпти. Мавжуд маъмурий бинолар, уй-жойлар замонавий услубда қайта таъмирланмоқда.

Яқинда ўтказилган Наврўзолди хайрия ҳашарида юз мингга яқин киши иштирок этди. Уларнинг куч-ғайрати билан 1150 гектар ер ободонлаштирилиб, 1280 километр масофадаги ариқ-зовурлар тозаланди, 540 минг дона манзарали ва мевали дарахтлар, 263 минг дона гул кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, 14628 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой бинолари таъмирланди, эҳтиёжманд оилаларга 74 миллион 647 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Вилоят ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан аҳолининг кам таъминланган қатламига Наврўз совғаси сифатида қорамол, қўй-эчки, парранда берилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга инсоний мурувват кўрсатилди.

— Наврўзи оламни халқимиз кўз ўнгида қайта жонлантириш мақсадида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан катта дастур тайёрланди, - дейди ушбу бошқарма бош мутахассиси Даврон Муродов. — Энг муҳими, дастур Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига ҳамоҳанг тарзда тузилган. М. Тошмуҳамедов номли ҳамда "Эски Мачит" театр-студиялари томонидан қутлуғ айём руҳи ва миллат қаҳрамонлари сиймосини акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш қилинади. Истеъдодли балетмейстер Саъдулла Шоймардонов томонидан саҳналаштирилган театрлаштирилган дастур эса ўз ичига баҳор, Наврўз, Истиқлол ва она юртни тараннум этувчи замонавий эстрада қўшиқларини қамраб олган. Наврўз арафасида Чироқчи туманининг Ҳайитқул қишлоғи кенгликларида вилоят бахши шоирлари ва фольклор-этнографик жамоаларининг "Бахшили эл — яхшили эл" деб номланган кўрик-танлови ўтказилди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Илҳом Қурбоновнинг таъкидлашича, қашқадарёлик деҳқонлар Наврўзни одатдагидек далада қаршилашади. Чигит экиш ишлари бошлаб юборилади. Жорий йилда 164 минг гектар ерга уруғ қадаш режалаштирилган. Шу боис тайёргарлик ишлари авж олдирилмоқда. Ўтган йил кузда 205 минг гектар майдонга дон экилган эди. Шундан 142 минг гектари сувли, 63 минг гектари лалми майдонлардир. Ғалла майсалари ҳозиргача уч бор озиқлантирилди. Айни пайтда шарбат сувига қондирилмоқда. Шартнома асосида бу йил 354 минг 200 тонна, жумладан, 40 минг тонна уруғлик ғалла етиштириш кўзда тутилмоқда.

— Косонда Наврўз байрами спорт мусобақаларисиз ўтмайди, — дейди "Наврўз" ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Суннат Ғаниев. — Шу куни дошқозонларда сумалак пиширилиб, ёшу қарига тарқатилади, дастурхонларга баҳорий кўкатлардан тайёрланган энг тансиқ таомлар тортилади. Кураш, арқон тортиш, футбол, югуриш каби миллий спорт ўйинлари авжига чиқади.

***Ҳа, қадимий Наврўз юртимизнинг ҳар бир гўшасига ана шундай тароват ва гўзаллик бахш этмоқда. Кўча ва майдонлар ҳар қачонгидан гавжум. Одамлар Наврўзга, баҳорга етказгани учун Аллоҳга шукроналар айтиб, табиат мўъжизаларидан баҳра олишга, бир-бирларини янги кун билан қутламоққа ошиқмоқдалар. Зеро, бунинг гашти ва сурурига нима етсин!***

**Т.АБДУРАҲМОНОВ, Х.МАМАТРАИМОВ, О.ИНОМОВ, С.ИКРОМОВ «XXI asr» мухбирлари**

*БЎЛАК яхши ном истама, шул етар,*
*Сени яхши одам деса эл агар*

XXI_ASR@yahoo.com

ТАДБИР

# Ҳомийлик эзгулик дебочасидир

**Юртимизга уйғониш ва яшариш фасли ташриф буюрди. Шу кунларда она-юртимизнинг шаҳару қишлоқларида, маҳаллаю меҳнат жамоаларида, Наврўзи олам кенг нишонланаяпти. Албатта, бу бежиз эмас. Негаки, Наврўз эзгулик байрамидир. Айнан мана шундай дамларда яқинлар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга мадад қўлини чўзиш азал-азалдан савоб ишлардан бири бўлиб келган.**

■ **Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ**

Кеча шундай тадбирлардан бири пойтахтнинг Бектемир туманида бўлиб ўтди. OʻzLiDeP Бектемир кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳомийлигида ташкил этилган ушбу тадбирда маҳалла, корхона ва ташкилотлардан 600 дан зиёд киши иштирок этди.

Байрам маросимини Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўзига хос ўрни, нуфузи борлигини кўпчилигимиз яхши биламиз, — деди у. — Бугун партиянинг туман кенгаши томонидан Наврўз шарофати билан маҳалла оқсоқоллари ва фаолилларини мана шу дастурхон атрофига тўплаб, яна бир савобли ишга қўл урди. Зеро, кутлуғ айём кунлари муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, саховатпешалик намуналарини кўрсатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

OʻzLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Қ. Назаров бугунги кунда партия томонидан олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар хусусида фикр юритди ҳамда тўпланганларни кутлуғ айём билан муборакбод этди.

Ушбу тадбир кам таъминланган 20 та оила фарзандларининг суннат тўйига уланиб кетди. Дастурхонга байрам оши тортилиб, хушовоз хонандаларнинг куй-қўшиқлари янгради.

OʻzLiDeP Бектемир туман кенгаши раиси Р. Шарипов тўй болаларни қизғин қутлаб, уларнинг ҳар бирига банкда очилган ҳисоб-рақамига 20 минг сўмдан маблағ қўйилганлигини маълум қилди ҳамда тегишли жамғарма дафтарчаларни топширди.

Маҳалла оқсоқоллари, тўй болаларнинг ота-оналари тадбир ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдиришди.






СУҒУРТА

# «ISHONCH» — ишончни оқламоқда

**“ISHONCH” банклараро суғурта компанияси ўтган йили мажбуриятларнинг умумий қиймати 96 миллиард сўмга тенг 5 мингдан ортиқ шартнома тузди. 60 миллион сўмга яқин маблағ суғурта пули сифатида тўланди. Бугунги кунда суғурта учун тўланган маблағлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоиз кўпайди.**

■ **М.МАМЕТОВА, ЎзА мухбири**

— Банклар ва уларнинг мижозларига комплекс тарзда суғурта хизматларини кўрсатиш доирасида тижорат банклари билан ишлаш компания фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади, — дейди “ISHONCH” банклараро суғурта компанияси бош директори ўринбосари Гулнора Маҳмудова. — Бошқача айтганда, тижорат банкларнинг ҳам ички, ҳам ташқи таваккалчилиги қамраб олинган. Компаниямиз рақобатбардошлигининг муҳим жиҳати етказилган зарарни кафолатли қоплаш ва уларни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш, шунингдек, суғурта бўйича эътирозларни ҳал қилиш ҳисобланади.

“ISHONCH” банклараро суғурта компанияси инсон ҳаёти ва саломатлигини, унинг мулкини суғурталашдан тортиб, турли фаолият соҳаларида фуқаролик ҳамда профессионал жавобгарликни суғурталаш бўйича муайян хизматларни таклиф этган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Банклар ва банк фаолиятини комплекс тарзда суғурталаш, пластик карточкалар, банк ходимлари жавобгарлиги, молиявий таваккалчиликни суғурталаш ҳам шулар жумласидан. Компания мижозлари орасида Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки ваколатхонаси, “TS-Technology” қўшма корхонаси, “Шўртаннефтгаз” очиқ акционерлик жамияти ва Ўзбекистон бозорида фаолият юритаётган бошқа кўплаб компаниялар бор.

Мижозлар орасида компаниянинг обрўси баландлиги ва шериклари ҳурматига сазовор бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

«ЁДГОРЛИК» ФИРМАСИ





Серқуёш Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин юракдан қутлайди. Сиз — азизларга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака, оилавий бахт тилаймиз. Қалби дарё юртдошлар, умрингиз узоқ, ризқингиз бутун бўлсин!

22 МАРТ — ЖАҲОН СУВ КУНИ

**«Сув ва маданият» — бу йил Жаҳон сув куни ушбу шиор остида нишонланди. Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Экология ва саломатлик кунлари доирасида мазкур санага бағишланган учрашув бўлиб ўтди. У «Экосан» халқаро ташкилоти билан биргаликда ташкил этилди. Учрашувда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси вакиллари, олимлар, экологлар, институт ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.**

# Сув — ҳаёт манбаи

■ **А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

Маълумки, 2005 дан 2015 йилгача бўлган даврни БМТ Бош Ассамблеяси «Ҳаёт учун сув» шиори остида ҳаракатлар халқаро ўн йиллиги деб эълон қилди. Бугун дунёда 1,1 миллиард одам тоза сувдан фойдалана олмайди ва бу уларнинг саломатлигига салбий таъсир қилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бу вазиятнинг ўзгариши ҳар йили 1,6 миллион инсон ҳаётини қутқариб қолиш имконини беради. Глобал хусусиятга эга сув муаммосининг яна бир жиҳати — ҳозирги пайтда Ерда истиқомат килаётган ҳар беш кишининг иккиси сув тошқини ва денгиз сатҳининг кўтарилиши хавфи бор ҳудудларда яшамоқда. Давом этаётган иқлим ўзгариши жараёни вазиятни янада оғирлаштиради. Бундан ташқари, дунё аҳоли сонининг кўпайиши кўпроқ озиқ-овқат ишлаб чиқаришни, демак, ирригация кўламини кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Учрашувда таъкидландики, сув муаммоси Марказий Осиёда ҳам жуда долзарб. Биринчи навбатда, бу ўтмишда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ. Бугун Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, қишлоқда яшаётганларни тоза ичимли сув билан таъминлашни яхшилаш, сув ресурсларини бошқариш сифатини ошириш ва сувни тежашни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 53 миллиард куб метр сув истеъмол қилинади, бу ҳажмнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Тармоқда 894 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилган, бошқа соҳаларда ҳам бу каби тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Учрашувда уларнинг иши, биринчи навбатда, сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилиши зарурлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда тахминан 4,3 миллион гектар ер майдони суғорилади. Суғориш тизимларининг модернизация қилиниши ва сувдан фойдаланишнинг энг юқори даражалари белгиланиши натижасида сувдан фойдаланиш қишлоқ хўжалигига зарар етказилмаган ҳолда 10 фоизга қисқарди.

Учрашувда аҳолининг ичимлик сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш ҳам жуда муҳимлиги ҳақида гапирилди. Сўзга чиққанлар сув билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал этиш учун ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш билан бир қаторда, замонавий экологик дунёқарашни шакллантириш, ўзбек халқининг сувга ҳаёт манбаи сифатида қараши билан боғлиқ асрий анъаналарни тиклаш зарурлигини таъкидладилар.

ФЕРМЕРЛИК

**Оқолтин туманидаги “Абдумалик Пардаев” фермер хўжалиги аъзолари пахтачилик, ғаллачиликдан ташқари чорва маҳсулотлари етиштириш ва асаларичилик билан ҳам шуғулланади.**

# Изланиш самараси

■ **Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири**

Улар ўтган йили 85 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Самарали меҳнат туфайли биргина пахтачиликнинг ўзидан 21 миллион сўм соф даромад олинди. Айни кунда хўжаликда 15 бош қорамол, 60 бош қўй-қўзи, 15 уя асалари боқилмоқда.

Сўнгги йилларда бу ерда боғдорчиликни ривожлантиришга астойдил киришилди. Бир гектар ердаги боғнинг мевали дарахтлари ҳосилга кирди. Анору олма, жийда сингари сархил мевалар асосан кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга тарқатилмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Пардаев паррандачиликни ривожлантириш орқали хўжаликда яна 20 та иш ўрни яратишни мўлжалламоқда.

TURON BANK

# АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» жамоаси

Жонажон ўлкамизнинг барча фуқароларини гўзал кўкламнинг энг кўркам байрами — Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайди. Шарқ тақвимидаги янги йил суюкли Ватанимизда умргузаронлик қилаётган ҳар бир оилага тинчлик-омонлик ва фаровонлик, бахт-саодат ва аъло кайфият олиб келишига астойдил тилакдошмиз.



BANK

# «ХАЛҚ БАНКИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Барча ватандошларимизни қадимий ва қадрли байрам - Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Ўлкамиз баҳорий либосга бурканган, дошқозонларда ошлар дамланиб, сумалак пиширилаётган, алёрлар айтилиб, бир-биримизга эзгу ниятлар тилаётган қувончли дамлар завқи бизни ҳеч қачон тарк этмасин!



«Халқ Банки»-Сизнинг оилангиз банки!

# НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ҚОШИДАГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Жаннатмакон юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни мусулмон оламининг кўҳна ва навқирон байрами — Наврўз билан самимий муборакбод этади.

Азиз ватандошлар!

Бугунги қутлуғ айём шукуҳи ва кўтаринки руҳи, тароватi ва латофати жонажон ўлкамизни ҳеч қачон тарк этмасин. Осмонимиз ҳамиша charoғон, ҳаётимиз фаровон бўлсин.



*ДИЛдан меҳнат қилган одам ҳар қандай ишни ҳам юксак даражага кўтара олади*

XXI_ASR@yahoo.com

УМШларда ислоҳот

# Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Уй–жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш — алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири эканлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида алоҳида таъкидланди

Президентимиз маърузасида, жумладан уй-жой ширкатлари биринчи галда уй-жой мулкдорларининг маблағларини жамлаган ҳолда бирлашган буюртмачи сифатида иш юритмоғи, тўпланган маблағларни бевосита уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириши лозимлиги хусусида муҳим фикрларни ўртага ташлади.

**Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**



“Аксарият ҳолларда, — дея таъкидлади Юртбошимиз ўз маърузасида, — улар собиқ ЖЭК ва кооперативлардан деярли фарқ қилмаяпти. Уларнинг асосий камчиликларидан бири шуки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги туфайли тўпланган коммунал тўловлар ҳеч қандай режасиз, назарда тутилмаган мақсадларга сарфлаб юборилмоқда”.

Чиндан ҳам уй-жой мулкдорларининг айни кеча-кундуздаги фаолияти кўпчиликни қониқтирмаяпти. Сабаби оддий: УМШ ишини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун жойларда етарлича эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Тўғри, беш бармоқ баравар эмас. Эл-юртни, одамларни рози қилиш учун астойдил изланаётган жамоалар ҳам сероб. Биз кўҳна ва навқирон шаҳар — Бухородаги 3 та ширкат фаолияти билан танишганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Яқин-яқинларгача уй-жойлардан фойдаланиш идоралари (ЖЭКлар) зиммасига 20 тадан 30 тагача кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган, табиийки, бундай “юк”ни кўтариш улар учун оғирлик қилар эди. Ана шундай бир шароитда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни соҳани ислоҳ қилиш учун ҳуқуқий замин яратди. Қонун ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи кишилар ихтиёрий равишда янги тузилма — ширкатларга бирлашдилар. Бироқ бу билан ҳам муаммо тўлиқ ечимини топмади. Чунки, айрим уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти, жумладан, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифати ҳамон талабга жавоб бермас эди. Президентимизнинг “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (2006 йил февраль) ана шундай ҳаётий зарурат туфайли майдонга келди, десак хато қилмаймиз.

Бухоро шаҳридаги “Барно бобо” уй-жой мулкдорлари ширкати ўшанда эндигина “Созловчи” УМШдан ажралиб чиқиб, мустақил ҳолда фаолият юрита бошлаган эди. Ширкат аъзолари таъсис йиғилишида кўпчилик овоз билан раҳбарлик соҳасида етарли малака тўплаган Фазлиддин Атоевни бошқарув раиси этиб сайладилар. “Барно бобо” ширкати шаҳарнинг Мустақиллик кўчасидаги 1 та — яъни 68/1-уйга хизмат кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Анчадан бери мукаммал таъмирланмаган, қорли ва ёмғирли кунларда томидан чакки ўтадиган ушбу кўп қаватли уйни “эпақага келтириш” осон бўлгани йўқ, албатта. Унда истиқомат қилувчилар таъмирлаш ишларини шахсий жамғармалари ҳисобидан амалга оширишга бел боғладилар.

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп, деганлари тўғри экан. Ширкат бошқаруви аъзоларининг саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлади. Қарздорлик барҳам топиб, коммунал хизмат тўловлари қисқа вақт ичида ундирилди.

Жорий йилнинг март ойида USAIDнинг “Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш лойиҳаси”ни амалга ошираётган Урбан институти томонидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Фағона водийсида фаолият кўрсатаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида эълон қилинган танловда Бухоро вилоятидан жами 17 ширкат иштирок этди. Улардан учтаси, яъни “Барно бобо”, “Нодирабегим” ҳамда “Мустақиллик” уй-жой мулкдорлари ширкатлари тегишли миқдордаги грант мукофотлари билан тақдирландилар. Ушбу маблағ айни кунда коммунал хизмат сифатини яхшилаш, атроф-муҳитни ободонлаштириш учун сарфланмоқда.

Белгиланган шартларни бекаму кўст бажариб, нуфузли танловда рағбатлантирувчи совринни қўлга киритган ва 1000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотга сазовор бўлган “Нодирабегим” уй-жой мулкдорлари ширкати (раиси Собир Ҳайдаров) ҳам Бухорода янгича шароитда иш олиб бораётган жамоалардан бири эканлигини амалда исботлади. Бу ширкат “Барно бобо”дан фарқли ўлароқ, 15 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Жами 2780 нафар кишининг рисоладагидек ҳаёт кечириши, ёзнинг жазирамаси-ю, қиш чилласида қийналмай яшаши ана шу ширкат мутасаддиларига боғлиқ. Айтиш жоизки, улар бу мураккаб ва айни чоғда савоб ишни ўз вақтида уддалаб, аҳоли ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

Аслида “Нобирабегим” ҳам ишни жуда қийин шароитда бошлаганди. Кўп қаватли уйларнинг йўлакларидаги эшикларнинг баъзилари қўпориб ташланган, айримларининг дераза ойналари йўқ, коммунал тўловлари учун ойлаб ҳақ тўланмасди. Вазиятни ўнглаш мақсадида Собир Ҳайдаров бошчилигидаги комиссия уйларни бирма бир кўздан кечириб, талай камчиликларни аниқлади. Бироқ, молиявий тақчиллик туфайли уларни бартараф этиш мушкул эди. Шу боис, “Асака банк”нинг вилоят бўлимидан кредит олишга тўғри келди ва ўтган икки йил давомида ана шу маблағ ҳисобидан анча иш бажарилди.

2005 йилда қўлга киритилган грант ҳисобидан бирйўла 4 та кўп қаватли уйдаги кемтикликлар бутланди.

Урбан институти томонидан Тошкент шаҳрида ўтказилган танловнинг яна бир совриндори — “Мустақиллик” ширкати бўлиб, 18 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ширкатга узоқ йиллар собиқ ЖЭКда оддий уста бўлиб ишлаган камтарин, аммо тадбиркор аёл Гулчеҳра Орипова раислик қилаяпти.

— Дастлаб биз ҳам жуда қийналганмиз, — дея ҳикоя қилади Гулчеҳра опа. —Эплай олармиканман, деган ҳадик билан бир неча ҳафтагача мижжа қоқмаганим рост. Чунки кўп уйларнинг ертўлалари сувга тўлиб кетган, ички қувурларини алмаштириш пайти аллақачон етиб келганди...

Хуллас, бу ширкатда ҳам “Нодирабегим” тажрибасидан фойдаланишга киришилди. Халқ банкининг шаҳар бўлимидан олинган кредит камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга сарфланди. Яратилган шароитдан кўнгли тўлган аҳоли коммунал хизмат ҳақини ўз вақтида тўлай бошлади. Энг муҳими, энди улар ўзларини ширкатнинг ҳақиқий эгалари эканликларини тўлиқ ҳис эта бошладилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзаро ҳамжиҳатлик, раҳбарлар қатъияти ва масъулияти туфайли шаҳардаги 3 та ширкатда замонавий коммунал хизмат кўрсатишнинг ибратли намунаси юзага келди. Ушбу мақолани ёзишдан мақсад ҳам аслида ана шу илғор тажрибаларни оммалаштириш ва шаҳардаги ўнлаб қолоқ ширкатларга ўрнак қилиб кўрсатишдир.






СЕМИНАР

Пойтахтимиздаги Бизнес-марказда “Сифат бўйича менежер” клуби томонидан “ИСО-9001” халқаро стандартига мувофиқ раҳбарлик қилишнинг роли ва масъулияти” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор маҳсулот сифатини яхшилаш, ташқи ва ички бозорда унинг рақобатбардошлилигини ошириш масалаларига қаратилди.

## «ИСО-9001»— муваффақият гарови

**Ўз мухбиримиз**

“ИСО-9001” халқаро стандартига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бозори ҳамиша чаққон бўлади.

2004 йили Тошкентда фаолият бошлаган “Сифат бўйича менежер” клуби юртимиздаги компания раҳбарларига бошқарувнинг янги модели асосида иш юритишни таклиф этмоқда. Уюштирилган кўплаб ўқув-семинарларда “ИСО-9001” стандарти бўйича мингдан ортиқ мутахассис малака оширди. 50 га яқин корхона халқаро сифат сертификатини олишга муваффақ бўлди.

— «Сифат бўйича менежер” клуби 130 йиллик тажрибага эга. У саноат корхоналари маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқишига имконият яратади. Биз билан ҳамкорлик қилган “Шўртангазкимё” мажмуаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак тоғ-кон-металлургия комбинати маҳсулотларига бугун ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам қизиқиш катта. Бунинг негизида эса, албатта, маҳсулот сифати ва бошқарув тизимининг мукаммаллиги туради, — дейди клуб раҳбари Риад Ибрагимов.

Семинарда 2006 йил давомида мамлакатимиздаги 200 га яқин корхонага халқаро сифат сертификати берилиши мўлжалланаётгани маълум қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон компаниялари маҳсулотларини “ИСО-9001” халқаро стандарти бўйича жаҳон бозорларига олиб чиқиш хусусида атрофлича фикр юритилди.

ТУРИЗМ

## Ривожланиш истиқболлари



Маълумки, бугунги кунда туризм кўплаб давлатларнинг асосий даромад манбаларидан биридир. Шу боис ривожланган мамлакатларда мазкур соҳа имкониятларидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ҳам ўзининг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлари, очиқ осмон остидаги осори-атиқалари билан етти иқлимга маълум ва машҳур. Демак, хорижий сайёҳларни юртимизга чорлаш, уларни тарихий гўзалликлардан баҳраманд этиш учун катта имкониятларга эгамиз. Хўш, ана шу имкониятлардан етарлича фойдаланилаяптими, юртимизга келаётган сайёҳлар сонини янада ошириш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигида ўтказилган халқаро анжуманда айнан ана шу муаммо ўртага қўйилди. Таъкидлаб ўтилдики, юртимизга хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб этиш учун туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш даражасини халқаро андозаларга мослаштириш лозим, қолаверса, кадрлар тайёрлаш масаласи соҳа олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Кейинги пайтларда соҳада хусусий секторнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Ҳозир умумий хизматларнинг 90 фоизи айнан тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. 400 дан ортиқ субъект шу соҳада фаолият юритиш бўйича лицензияга эга бўлди, рақобат муҳити янада кучайиб, хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда. Аммо туризмни янада равнақ топтириш учун бир неча йўналишда жиддий ишлар олиб бориш лозим. Масалан, кунчиқар мамлакат — Японияни олайлик. У ердан йилига 16 миллион киши саёҳатга чиқади. Лекин жуда кам япониялик юртимизга келади. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, бунга сабаб, биринчидан, тарихий шаҳарларимиз, осори-атиқаларимиз тўғрисида хорижий тилларда тарғибот ишлари жуда суст олиб борилмоқда. Жумладан, видеоролик, реклама, буклет ва рисолалар етишмайди. Айрим чекка ҳудудлардаги меҳмонхоналарнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш зарур. Барча турдаги транспорт хизматларини сайёҳлар талаби даражасида ташкил этиш ҳам муҳим масаладир.

Тахминларга қараганда, яқин йилларда Шарқий Европа, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Хитой Ўзбекистонга сайёҳлар жўнатадиган асосий давлатлар бўлиб қолади. Бугунги кунда юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг 75 фоизи Германия, Бельгия, Австрия, Франция, Италия, Испания, Россия, Япония, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларга тўғри келади. Осиё давлатлари улуши эса кам.

Анжуманда Япониянинг туризм соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашилди.

O`zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI




## ҲАЁТИЙ КУРАШ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАД САРИ ОНГЛИ ИНТИЛИШГА АЙЛАНГАНДАГИНА ҲАҚИҚИЙ КУЧ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛАДИ

# Амалий ишларгина ишончни мустаҳкамлайди

### Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг нафақат юзи, балки унинг уриб турган юрагига айланиши шарт!



**Бугун мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда молия муассасалари ходимларининг алоҳида ўрни бор. Улар турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида фаол кучга айланмоқдалар. Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк" Дўстобод бўлими жамоасининг фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.**

■ **Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири**

—Менга кўпинча нима учун айнан шу партияни, танлагансиз, дея савол беришади, — дейди Сирожиддин Абдуазизов. —Шунда мен, O`zLiDeP қисқа давр ичида ўз ғоялари, мақсад ва интилишлари билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай олганини амалий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Ҳақиқатдан ҳам бугун жамиятимизнинг қайси жабҳасига кўз ташламанг, келажак манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатаётган партиядошларимизни учратасиз. Узоққа бормайлик. Жамоамиз сафида 20 нафар O`zLiDeP аъзоси меҳнат қилади. Ағзам Тиллаев, Жамшид Боиров, Хадича Аҳмедова, Тўлғаной Тожибоева ва бошқалар бошланғич ташкилот атрофида маҳкам жипслашиб, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда фаоллик кўрсатмоқдалар.



Сирожиддин Абдуазизов, 1966 йилда хизматчи оиласида туғилган. 1984 йили Тошкент ҳисоб-кредит техникумини тугатган. АТ «Пахтабанк»нинг Дўстобод бўлимига қарашли минибанк бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи, O`zLiDeP аъзоси Б.Эсиркилов юқоридаги фикрни давом эттиради:

— Бошланғич партия ташкилоти — жамоамизнинг юраги, десам хато қилмаган бўламан. Сабаби — муассасамизда партиянинг қуйи бўғини ташкил этилгач, ишда туб ўзгаришлар юз берди, қатъий меҳнат интизоми қарор топди, ютуқлар кўлами кенгайди. Айни кунда мижозларга намунали ва тезкор хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, маънавий-маърифий тадбирларга ҳам кенг ўрин ажратилмоқда. Жамоада амалга оширилаётган шу каби эзгу ишларга партия ташкилоти бош-қош, ташаббускор.

Дарҳақиқат, фаоллик ва ташкилотчиликда гап кўп. Партия аъзолари нафақат жамоада, балки аҳоли ўртасида ҳам O`zLiDeP Дастури ва мақсадлари юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, ёш авлод вакиллари ўртасида ташкил этилаётган тадбирлар яхши самара бераяпти. Яқинда бир гуруҳ партия аъзолари тумандаги 11-сонли умумтаълим мактаби битирувчилари даврасида бўлиб, уларни эл-юртга садоқатли бўлиш, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга даъват этдилар. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўтган йили тумандаги собиқ Абай номли ширкат хўжалиги марказида янги минибанк иш бошлаган, ўшанда мижозлар сони 40 тани ташкил этар эди. Банк мудири, бошланғич ташкилот раиси Сирожиддин Абдуазизов ва фаолларнинг саъй-ҳаракати билан бир йил давомида улар сони икки баробарга ортди. Бундай натижага, энг аввало, аҳоли барча табақаларига намунали хизмат кўрсатиш орқали эришилмоқда. Ўтган йили пахта ва ғалла етиштириш учун 133 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, жорий йилда бу миқдорни 500 млн. сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

Банк муассасаси замонавий техника воситалари билан таъминланган. Компьютер модем алоқаси, телефон ва бошқа ускуналар жамоа мушкулини осон қилмоқда. Жорий йилнинг икки ойи мобайнида аҳолидан 2 млн. 500 минг сўм миқдоридаги коммунал тўловлар қабул қилинди.

— Бугунги кунда фаолларимиз ҳукумат қарорлари асосида ташкил этилган фермер хўжаликларига қулай шарт-шароит яратиш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида диққат-эътибор қаратишмоқда, — дейди ташкилот етакчиси. — Албатта, фаолиятимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, тарғибот-ташвиқот ишларидан тўлиқ қаноат ҳосил қилаётганимиз йўқ. Зарур оммавий-сиёсий адабиётлар етишмайди. Ҳозирча, асосан партия нашри — "XXI asr" газетасида чоп этилаётган материаллар билан чекланишга мажбур бўлаяпмиз. Партиявий ишларни ташкил этишга оид йўриқномалар, намунали бошланғич партия ташкилотлари тажрибаси ҳамда O`zLiDeP ғоялари тарғиботи, шунингдек, жаҳондаги мавжуд либерал партиялар тарихи, бугунги фаолиятига бағишланган қўлланмалар тайёрланиб, оммавий тиражда чоп этилса, айни муддао бўлар эди.

***Партия хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ва унинг иқтисодиётдаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор беради. Бу соҳа фақат иш ўринлари яратибгина қолмай, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли даромадларининг ўсиши ва турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилмоғи лозим.***

***Аҳолининг барқарор иқтисодий тараққиёти ва фаровонлигини таъминловчи асосий шартлардан бири — мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини кучайтириш, бой табиий, минерал хомашё захиралари ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий-техникавий имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга йўналтирилган иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир.***

*O`zLiDeP дастуридан*



Аслида Ш.Абазхонов кўшни Қирғизистонда туғилиб ўсган. Бир кун келиб унинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жонкуяр фаолларидан бирига айланишини кўпчилик ўйламаган бўлса ҳам керак. Лекин, бу айни ҳақиқат. 1995 йилда Қизилқия шаҳридаги тиббиёт коллежини имтиёзли диплом билан тамомлаган Шавкатжон нафақат иқтидорли шифокор, балки ташаббускор сиёсий етакчилардан бири сифатида жамоадошларининг ҳурматини қозонмоқда.

# Ирмоқлар қўшилиб, дарё бўлади

### 102 нафар партия аъзолари сони яқин кунларда 500 нафарга етади. Чунки...

■ **Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**

— O`zLiDeP ташкил топган кезларда унинг Низом ва Дастури билан танишиб, қатъий бир қарорга келганман, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси. — Мана, икки йилдирки, унинг сафидаман. Шифохонамизда янги партия ихлосмандлари кўп экан. Ўзаро маслаҳатлашиб, O`zLiDeP шаҳар кенгашига мурожаат этдик. Шу тариқа жамоамизда партиянинг қуйи бўғини ташкил топди. Албатта, шаклланиш жараёни осон кечгани йўқ. Барча қийинчиликларни енгиб, ишга янада қатъият билан киришдик. Мамлакатимиз тарихида илк маротаба икки палатали парламент ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлган сайловлар бошланғич ташкилотимиз учун ҳам масъулиятли синовга айланди. Сайловда эришилган натижалар бизга янги куч ва илҳом бахш этди. Буни тушуниш мумкин, албатта. Лекин сайловдан сўнг жойларда сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйилгани ҳам рост.

Сиёсат эса юзакичиликни ёқтирмайди. Яшириб нима қилдик, партия сафларига қандайдир илинж билан кирганлар ҳам топилади. Биз бундай шахсларга нисбатан муросасиз бўлишимиз лозим.

Мақоламиз қаҳрамони — Ш.Абазхоновнинг ҳаётий эътиқоди ана шундай. Ўзи етакчилик қилаётган бошланғич ташкилот атрофига асосан фидоий, ташаббускор инсонларни бирлаштирганлиги ҳам бежиз эмас. Айни кунда жамоа аъзоларидан 102 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Бу, албатта, катта куч. Бўлим мудири Ҳусанбой Маҳмудов, тажрибали жарроҳ Султонхон Сайдалиев, Анжела Каттахонова, Ғайратжон Абазхонов, Сайёрахон Юнусова, Мирзахалил Жобиров аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга ўз зиммаларидаги партиявий топшириқларга ҳам масъулият билан ёндашиб, юксак ишончга муносиб бўлмоқдалар.

— Шавкатжон тиниб-тинчимас, серғайрат мутахассисларимиздан — дейди тажрибали шифокор, партия аъзоси Султонхон Сайдалиев. — Унинг хотиржам юрганини кўрмаганмиз. Партиявий бурчини чуқур ҳис этади. БПТ раисидаги жонкуярлик бошқаларга ҳам "юқаяпти", десам ишонаверинг. Илмий ишим бир неча йилдан бери чўзилиб келарди. Партиявий фаолият билан шуғуллана бошлагач, вақтни тўғри тақсимлайдиган бўлдим. Ҳозир илмий изланишларни партия иши билан қўшиб олиб бораяпман.

Дарҳақиқат, ана шундай фаоллар туфайли вилоят тез тиббий ёрдам илмий маркази бошланғич партия ташкилотининг нуфузи ошиб бормоқда. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да аъзолари сонини 500 нафарга етказиш кўзда тутилаётир. Бунга ишонса бўлади. Чунки, жамоада O`zLiDeP тарафдорлари кўпчилик.

— Омма билан ҳамнафас бўлиш, кишиларнинг мушкулини осон қилиш асосий мақсадимиздир, — дейди суҳбатдошимиз. — Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Зеро, сиёсий жиҳатдан етук жамоагина кўзланган мақсадга эриша олади. Қолаверса, шифохона директори, тиббиёт фанлари номзоди Абдулазиз Раимжонов бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш учун ўз ёрдамини аямаётир. Ўзаро ҳамкорлик эса яхши самара бериши шак-шубҳасиз.

Бошқа гапга ўрин йўқ. Излаган муродига етади. Буни биргина Ш. Абазхонов етакчилигидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ирмоқлар қўшилиб, дарё бўлади, O`zLiDeP ўзининг жойлардаги қуйи бўғинлари билан кучлидир. Улар қанчалик фаол, ташаббускор бўлса, партиянинг омма ўртасидаги обрў-эътибори ҳам шунчалик ошиб бораверади. Бу эса менга, сизга —ҳаммамизга боғлиқ бўлган муҳим масаладир.

# Ғоявий чиниқиш янги ютуқларга замин бўлди

### дейишмоқда «Қаршиёғэкстракция» қўшма корхонаси бошланғич партия ташкилоти аъзолари

Қашқадарёда O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида жонбозлик кўрсатаётган фаоллар сони кун сайин ортиб бормоқда. "Қаршиёғэкстракция" қўшма корхонаси бошланғич партия ташкилоти раиси Азим Қаюмов ана шулардан биридир. У меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан корхона жамоаси ўртасида обрў-эътибор қозонган. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг фаоли айни пайтда 200 нафарга яқин партия аъзоларига етакчи, бош-қош.



■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Корхонада бўлганимизда А. Қаюмов ҳақида кўплаб илиқ гапларни эшитдик. Бу, албатта, бежиз эмас. Бошланғич партия ташкилоти хонаси дид билан жиҳозланган. Ичкарига киришингиз билан бу ердаги орасталикни кўриб, дилингиз равшан тортади. Партия ҳаётига оид ҳужжатлар, "O`zLiDeP одимлари" кўргазмаси, "XXI asr" газетаси тахламлари, партия аъзолари таржимаи ҳолига оид маълумотлар ҳар бир кишида алоҳида қизиқиш уйғотиши табиий. Хонани кўздан кечирар эканмиз, хаёлимиздан, қанийди, кўргазмали ишлар ҳамма жойда шундай ташкил этилса, деган фикр ўтди.

Дарвоқе, ўша куни бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши белгиланган экан. 150 дан ортиқ партия аъзолари иштирок этган тадбир қатнашчилари мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга бефарқ эмасликларини таъкидлашиб, келгусидаги ишлар ҳақида келишиб олдилар.

Йиғилиш сўнггида бир гуруҳ фаоллар билан суҳбатлашдик.

— Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини йўлга қўйишда корхонамиз раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Дилшод Равшановнинг хизмати катта, — дейди Азим Қаюмов. — У O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосаридир. Ўтган давр мобайнида Қарши шаҳар маҳаллалари ва Шаҳрисабз тумани қишлоқларида кўплаб давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. Омманинг сиёсий фаоллигини ошириш кун тартибида турган муҳим масалалардан биридир. Ёшлар ҳаётига оид муаммоларни ҳал этиш, ишсизликни камайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Партия фаоллари саъй-ҳаракати билан Шаҳрисабзда бир нечта тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди. Хусусан, Д.Ражабов кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, мулкдорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш йўлида куч-ғайратини аямаётир. У партия йиғилишларида иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ баён қилади, муҳим таклифларни ўртага ташлайди. Бу, фикримизча, ҳар бир партия аъзоси учун зарур бўлган муҳим хислатдир.



Азим Қаюмов,
1968 йилда туғилган.
Тошкент кимё-технология институтини битирган.
Мутахассислиги — инженер-технолог.
"Қаршиёғэкстракция" қўшма корхонаси совун ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти раиси.

— Корхонамизда бир кеча-кундузда 400 тонна чигит қайта ишланади, — дейди Жўра Давлатов. — Бу бир йилга ҳисоблаганда, ўртача 50 минг тонна, демакдир. Ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароит яратилган. Кам таъминланган оилалар, нафақага чиққан кексалар ва ногиронларга доимий ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Бу борада корхона касаба уюшма қўмитаси билан бошланғич партия ташкилотининг ўзаро ҳамкорлиги ўз самарасини бераётир.

— Партиявий интизом масаласини кун тартибига қатъий қўядиган пайт келди, - дея таъкидлади ўз сўзида Ҳасан Сайдалиев. — Партия аъзоси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиш билан бирга тегишли аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориши керак. Бу иш бизда яхши йўлга қўйилган. Зеро, партиявий-сиёсий ишларни жонлантириш молиявий масала билан чамбарчас боғлиқдир.

Дарҳақиқат, шундай. O`zLiDeP аъзоларининг асосий қисмини ташкил этаётган ёшлар корхонада қўлга киритилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишяпти. Қарши шаҳридаги билим масканлари ва маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирлар давомида партиянинг дастурий мақсадлари кенг тарғиб қилинмоқда. Барча аъзолар зиммасига тегишли партиявий топшириқ юклатилган. Чунончи, Улуғбек Ғофуров шаҳардаги Миртемир маҳалласида ичимлик сув ва табиий газ таъминотини, камхарж оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун масъулдир. Навбатдаги йиғилишда унинг шу хусусдаги ҳисоботи тингланди. Маҳаллани ободонлаштириш, аҳолининг маданий-маиший шароитини яхшилаш учун корхона ҳам яқиндан ёрдам бераяпти. Партия фаолларидан бири — Дилбар Очилова эса, жамоадаги хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш йўлида куч-ғайратини аямаётир. Бошланғич партия ташкилоти бу борадаги саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириб, O`zLiDePнинг омма ўртасидаги таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, партиянинг дастур ва мақсадларини рўёбга чиқариш, аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, барча соҳада чуқурлашиб бораётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш кун тартибида турган асосий масалалардир. "Қаршиёғэкстракция" қўшма корхонаси бошланғич партия ташкилоти аъзолари буни дилдан ҳис этиб, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришмоқда. Зеро, ғоявий чиниқиш янги ютуқларга замин бўлиб хизмат қилиши ҳаётий тажрибадан яхши маълум.

Кенг халқ оммасини юксак ҳаётий ғоялар орқалигина олға ундаш мумкин. Бу эса одамлар орасида олиб бориладиган тарбиявий-сиёсий ишларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида: "...Сиёсий партиялар халқни, миллатни қадим-қадимдан бирлаштириб келаётган муштарак ғоялар ҳам борлигини доимо эсда тутиши зарур. Шу боис, улар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирларига рақиб ёки мухолифат бўлиши мумкин, лекин ягона Ватан, ягона халқ манфаатлари ҳақида гап кетганда, ҳаммаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркор. Бугунги кунда бизнинг юртимизда миллий истиқлол ғояси ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб ҳисобланади", деган эдилар.

# Ягона Ватан манфаатидан муқаддас мақсад йўқ!

■ Гулнора ШОДИЕВА,
O`zLiDeP Каттақўрғон шаҳар кенгашининг раиси



Дарҳақиқат, юрт ва миллат манфаатлари йўлида хизмат қилиш ҳар бир сиёсий партиянинг бош мақсадидир. Бунинг учун эса, тинимсиз изланиш барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш талаб этилади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида бозор иқтисодиётига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш муҳим масалалар сифатида белгилангани бежиз эмас.

Энг асосийси, ушбу партия ўзининг реал ғоялари ва амалий ишлари билан қисқа давр орасида жамиятимиз ҳаётидан муносиб ўрин эгаллади. Биргина Каттақўрғон шаҳрида бугун 43 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз сафларига 850 нафар аъзони бирлаштирган. Бу — катта куч, албатта. Хўш, партия шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай ўрин тутади? Аҳоли турмуш даражасини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинаяптими? Афсуски, ҳозирча бу саволларга қониқарли жавоб бериш мушкул. Чунки, ўзибўларчилик ва хотиржамлик иллатларидан холос бўлиш қийин кечаётир. Бу бизни жиддий ташвишга солади, албатта. Ҳар ойнинг биринчи шанбасида шаҳар партия кенгашининг сайёр йиғилишини ўтказишни йўлга қўйганмиз. Унда бошланғич ташкилот раислари ва фаолларнинг кенг иштироки таъминланмоқда. Йиғилишларда шаҳар ижтимоий ҳаётига оид муҳим масалалар муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланади. Шаҳардаги 62 та кам таъминланган оилани ўз оталиғимизга олганмиз. 5-махсус интернат - мактабига ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатаяпмиз. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан махсус дастур ишлаб чиқдик. Шунга асосан, жойларда кўплаб тадбирлар ўтказиш кўзда тутилмоқда. Зеро, омма ичига тобора чуқуррок кириб бориш, партиямизнинг обрў-эътиборини ошириш, сиёсий ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш бирдан-бир мақсадимиздир. Бу эса, энг аввало, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг фаолларидан алоҳида масъулият талаб этади. Якдиллик, уюшқоқлик бўлган жойда эса ишлаб чиқариш ҳам ривожланиб, ютуқлар кўпайиши ўз-ўзидан маълум. Халқимиз "Сендан ҳаракат — мендан баракат" деб бекорга айтмаган.

***Партия жамиятнинг ҳаддан ташқари ижтимоий ва иқтисодий қутблашувига йўл қўймаслик учун курашади. Партия энг кам ойлик иш ҳақи ва нафақалар миқдорини кескин кўтаришга ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳимоялашнинг самарали механизмини яратишга интилади. Партия ушбу масалани ҳал этишга қаратилган мақсадли давлат дастурлари лойиҳаларини таклиф қилади, шунингдек нодавлат жамғармаларни йўналтириш ва кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишда фаол қатнашади.***

*O`zLiDeP дастуридан*

«НАМАНГАН ПАХТАСАНОАТ»
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ





Юртдошларимиз ва Ўзбекистонимиз меҳмонларини ардоқли байрамимиз — Наврўз айёми билан табриклайди.
Ушбу фараҳбахш дамлар, баҳорий кайфият ҳамиша қалбларимизни қувончга тўлдириб юрсин.
Бугун яхши ниятда ерга чигит қадаш тараддудини кўраётган деҳқонларимиз орзулари ижобат бўлиб, улар уйган хирмонлар тоғлар билан беллашсин!
Наврўз барчамизга бахт-саодат келтирсин!

Илова учун масъул:
Дониёр КАМОЛОВ

# «ЧИРЧИКҚИШМАШ»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ





Жаннатмакон Ўзбекистон халқини
улуғ айём - Наврўзи олам
билан самимий қутлайди.
Дилларда эзгулик ва меҳр уйғотучи
байрамингиз жамоангизга, хонадонингизга
фақат яхшилик, хотиржамлик
ҳамда қут-барака олиб келсин!
Юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда бўлсин.
Дилингиздаги барча эзгу мақсадлар бекаму
кўст рўёбга чиқсин!

## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Ҳурматли юртдошлар!
Янгиланиш ва яшариш
байрами — Наврўзи олам
билан барчангизни қутлаймиз.
Озод ва обод диёримизнинг
ҳар бир хонадонини
тинчлик, тотувлик тарк этмасин.
Энг катта бойлик —
соғлиқ-саломатлик,
хотиржамлик, омад ва бахт
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!





## «АВТОМАКОН»

### ШЎЪБА ХЎЖАЛИК САВДО-ЯРМАРКА МАРКАЗИ

*Фасллар келинчаги,
баҳорнинг улуғ, энг азиз
байрами – Наврўзи олам
билан барча юртдошларни
самимий муборакбод этади.
Хонадонингиздан файз-барака,
тинчлик хотиржамлик,
яхши кунлар ва баҳорий
кайфият ҳеч қачон аримасин.
Наврўзи олам
барчамизга қутлуғ бўлсин!*





# АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ҚОШИДАГИ ҚУРИЛИШ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Азиз юртдошлар!
Бутун борлиққа ям-яшил либос кийдириб,
она-табиатни анвойи гул-чечакларга
буркаб келган ажойиб байрам —
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!
Улуғ айём кунларида чеҳраларда балқиб
турган нурли табассум ва аъло кайфият асло сўнмасин.
Ҳомийлар ва шифокорлар йилида сиз - азизларга
мустаҳкам соғлиқ, меҳр-муҳаббат ва ўзаро оқибат
доимий ҳамроҳ бўлишига астойдил тилакдошмиз.

# «НАМАНГАНЁҒЭКСТРАКЦИЯ»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



Бутун Ўзбекистон фуқароларини
энг гўзал ва дилбар байрамлардан
бири — Наврўзи олам билан
чин дилдан муборакбод этади.
Қадрли ватандошлар!
Шарқона янги йил ҳар бир хонадонга
тинчлик-хотиржамлик, тўкис бахт-саодат,
маъмурчилик олиб келсин.
Жаннатмакон юртимиз бундан-да обод ва
фаровон, истиқболимиз чароғон бўлсин.
Ҳар бир кунимиз Наврўздек шодумон,
серфайз ва беғубор ўтсин!



ЙЎЛОВЧИ АВТОТРАНСПОРТИ

# Хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш йўлида

**Қулайликларга одам тез ўрганади, дейишади. ҳақиқатан ҳам, пойтахтимиз аҳолиси автобус ёки йўналиш таксиси қачон келар экан, деб соатга қараш ва ишга кечикиш ҳолатларини унутди. Бугун автотранспорт қатъий жадвал бўйича юрмоқда, уларнинг сони ҳам анча кўпайди, одамлар билан тўла диққинафас автобуслар ҳақидаги латифалар ҳам долзарблигини йўқотди.**

**Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири**



Буларнинг ҳаммаси — аҳолиси 3 миллионга яқинлашаётган Тошкент шаҳрида транспорт хизматини яхшилаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаларидир. Автобус парки янгиланмоқда, сервис тармоғи йўлга қўйилган. Шаҳар йўловчи транспортининг янги доимий йўналишлари очилди. Метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ишга туширилиши ҳам бу ишни енгиллаштирди. Бундан ташқари, тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилиши хусусий ташувчилар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини берди. Буларнинг ҳаммаси фақат вақтни тежабгина қолмай, йўловчиларнинг хавфсизлигини ҳам оширмоқда. Таъкидлаш жоизки, йўловчи ташиш соҳасидаги бундай ўзгаришлар бутун республика бўйлаб рўй бермоқда. Ҳаракатда бўлган автобуслар ва микроавтобуслар таркиби янгиланмоқда. Охирги бир ярим-икки йил ичида шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларга қўшимча беш юздан ортиқ янги, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автобуслар қўйилди. Йўловчи йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендерлар ўтказилмоқда. Уларда мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташувчилар тенг шароитда рақобатлашмоқда.

Шунга қарамай, жамоат транспорти тизимига бозор механизмларини жорий этиш ишлари баъзида оқсамоқда ва бу жараён қўшимча ислоҳотлар ўтказишни талаб қилмоқда. Улар Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида, давлатимиз раҳбарининг 18 январь ва 28 февралдаги шу масалага тегишли иккита қарорида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 31 январдаги мақсадли қарорида аниқ белгилаб берилди.

Иқтисодиётнинг кўпгина бошқа тармоқларида бўлгани каби бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосларидан бири автокорхоналар мулкчилик шаклларини босқичма-босқич кенгайтириш ҳисобланади. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг ҳуқуқий вориси бўлган «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси шартнома асосида пойтахт йўловчи транспорти соҳасида ишлаётган хўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни бирлаштирди. Янги тузилманинг асосий вазифаси йўналишларда бир маромда ва ишончли ҳаракатни таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ташишлар рентабеллигини оширишдир.

Тошкент шаҳар хокимлиги ҳузурида барча турдаги йўловчи транспортини лицензиялаш ва ҳаракатини мувофиқлаштириш департаментининг ташкил этилиши бу тизимни ислоҳ қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳокимиятнинг ушбу тузилмавий бўлинмаси йўналиш тармоғини бошқариш ва такомиллаштириш учун жавоб беради, шаҳарда йўловчи ташиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради, асосийси, қатъий тендер асосида лицензиялар бериш ва йўналишларни жойлаштириш бўйича катта ҳуқуққа эга. Шундай қилиб, рақобат муҳити шакллантирилмоқда ва ҳамма ташувчилар, шу жумладан, хусусий ташувчилар учун транспорт хизматлари бозорида тенг шароит яратилмоқда.

Департамент «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан биргаликда ҳаракатдаги таркибни янгилаш, харажатларни камайтириш ва йўловчи ташиш рентабеллигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Бу дастур зарар кўрмай ишлаш тамойилига босқичма-босқич ўтишни кўзда тутади. Бундан ташқари, уч йилга мўлжалланган йўловчи ташишларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу нафақат йўналишлардаги ҳаракатни, балки ҳар бир ҳайдовчи ишини аниқ мувофиқлаштириш имконини беради.

Транспорт одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиши лозим. Шубҳасиз, бундай қатновлар ҳам йўловчилар, ҳам пиёдалар учун хавфсиз бўлиши керак. Шу мақсадда қўшимча чоралар кўрилди. Рейсдан олдин машиналарни техник кўрикдан, ҳайдовчиларни тиббий текширувдан ўтказиш талаблари кучайтирилди. Асосийси, бизни манзилга етказиб қўядиган автотранспорт воситасини инсофсиз, малакасиз одам бошқармаслиги керак. Айнан шу боис йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарур. Бу пойтахтга ҳам, республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам бирдек тегишлидир.

Жорий йилнинг 9 мартида Президент Ислом Каримов “Автомобиль транспортида йўловчи ташишлар соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Ундан мақсад фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини оширишдир. Энди шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташиш ҳуқуқига фақат юридик шахслар эга бўлади. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига 2006 йил 1 июнгача бу соҳада ишлаётган ва корхона — юридик шахс ташкил этиб ўз фаолиятини давом эттириш ниятида бўлган шахсий тадбиркорларни тегишли равишда босқичма-босқич қайта рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг йўловчи ташиш учун илгари олган лицензияси 1 июнгача амал қилади. Савол туғилиши мумкин: олдиндан тўлаб қўйилган давлат божи нима бўлади? Шахсий тадбиркорлар ҳеч қандай зарар кўрмайди. Қарорда таъкидланганидек, юридик шахсни ташкил этаётган ташувчиларнинг лицензиялари амал қилиш муддатига мувофиқ тўланган пул янги лицензия карточкаси олишда бож эвазига ҳисоб қилиниши мумкин. Агар хусусий тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришни истамаса, «амалга оширилмаган» божнинг қолган қисми унга белгиланган тартибда қайтарилади.

Қайта рўйхатдан ўтишни тезлаштириш мақсадида ундан тез ўтганларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Жумладан, йўловчиларни тижорий ташишга ихтисослашган автокорхона — юридик шахс, истисно тариқасида, 2006 йил 1 июнгача шахсий тадбиркорлар — жисмоний шахслар улуш сифатида киритадиган барча автотранспорт учун Республика йўл фондига мажбурий тўловни тўлашдан озод қилинади.

Йўловчи ташиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни бериш бўйича янги қоидалар қабул қилинишининг сабаби нимада? Юқорида таъкидланганидек, улар йўлларда хавфсизликни ошириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган. Шахсий тадбиркор — автотранспорт воситаси эгаси кундалик техник кўрикни, ўз вақтида ва сифатли таъмирни тўлиқ таъминлай оладими, унинг соғлиғи рулда ўтириш ва йўловчиларнинг ҳаёти учун жавобгар бўлишга имкон берадими? Тан олиш керакки, бу шартларга ҳар доим ҳам риоя этилавермайди. Корхона эса, иқтисодий барқарор объект, у нафақат автопарк, балки кўрсатилган иш ҳажмини бажариш учун зарур моддий, техник воситаларга эга. Юқорида тилга олинган ислоҳотларнинг амалга оширилиши транспорт хизмати соҳасини ривожлантириш, уларнинг ишончлилигини мустаҳкамлаш, айни пайтда мулкчилик шаклидан қатъи назар, бу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

ПУЛ МУОМАЛАСИ

**Мамлакатимизда хизмат, савдо ва иш ҳақи учун тўловларни пластик карточкаларда амалга ошириш тизими тобора ривожланмоқда.**
**— Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимизда бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди, — дейди Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг пул муомаласи бош бошқармаси бошлиғи Людмила Бодягина.**

# Пластик карточка: фаровонлик нишонаси

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири**

— Шу мақсадда бу усулдан янада кенгроқ фойдаланишни фаоллаштиришга, банкимиз пластик карточкаларининг сони ва техник имкониятларини янада кўпайтиришга жиддий эътибор қаратяпмиз. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда эълон қилинган “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат пулнинг банкдан ташқари муомалада айланишини кескин қисқартириш, аҳоли орасида мазкур электрон воситани оммалаштиришда ғоят қўл келяпти. Банкимиз томонидан 2006 йилгача 532 мингтадан ортиқ миллий, 14 мингтага яқин халқаро валютадаги пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Ўтган йили ушбу карточкалар бўйича пул айланмаси 35 миллиард сўмни ташкил этди. Шу йилнинг икки ойи мобайнида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар ортди.

Пул муомаласини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган бундай чора-тадбирлар аҳолига қатор қулайликлар яратмоқда. Масалан, жойлардаги савдо-сервис тармоқлари – дўкон, супермаркет, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларида харидларни амалга ошириш, транспортдан фойдаланиш ҳамда иш ҳақи ҳисобидан кредит олиш имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари, «электрон ҳамён» эгалари чакана савдо, хизмат кўрсатиш тизими ва коммунал хизматлар ҳақини ортиқча овворагарчиликсиз, тез ва осон тўлаш, банк ёки кассаларга вақти-вақти билан бориш талаб қилинмайдиган, узоқ муддат давом этадиган топшириқларни бошқаришдек усуллардан фойдаланмоқда.

Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан ишлаб чиқилган яхлит автоматлаштирилган тизим — карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар — жойлардаги барча шохобчаларда банк операцияларини ягона тартиб асосида амалга ошириш имконини бераяпти. Агар «электрон ҳамён» эгасига кундалик эҳтиёж учун нақд пул керак бўлиб қолса, уни барча банкларга қарашли банкоматлар орқали олиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим корхоналарда банкимизнинг “Меҳр-оқибат” рағбатлантириш тизими жорий этилган. Айни пайтда ушбу тизим асосида Тошкент шаҳридаги мижозларимиз товар ва хизматлар ҳақини тўлашда қўшимча чегирмалардан фойдаланишмоқда. Март ойининг охиригача республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай имтиёз яратилади.

Дарвоқе, яқин кунларда янги хизматлар — овердрафт кредитлаш хизмати ҳамда меҳнат фаолияти юзасидан чет элга тез-тез чиқиб турадиган юртдошларимизга Visa Business ва Visa Gold халқаро карточкалари таклиф этилмоқда.

Ҳаётимизга фаол кириб келаётган пластик карточкалар пул айланишини янада тезлаштириш баробарида муомаладаги маблағ танқислигини ҳам кескин камайтирмоқда. Турли мулк шаклига эга айрим хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига ихтиёрий равишда ойлик иш ҳақининг маълум фоизини пластик карточкаларда берилишини таъминламоқда. Мисол учун, ўтган йиллари “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси, “Ўзсаламан” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Навоий кон-металлургия, Фарғона ёғ-мой комбинатлари, “ELXOLDING”, “Қизилқумцемент”, “Бекободцемент”, “Навоийазот” ва “Урганчёғ” акциядорлик жамиятлари каби йирик саноат корхона ва ташкилотларга 144 минг пластик карточка тарқатилди.

Ўтган йили халқаро карточкалар бўйича айланмалар 12 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, банкимиз томонидан чиқарилган Visa халқаро карточкалари бўйича республикадан ташқарида амалга оширилган айланмалар беш ярим миллион АҚШ долларидан ошди. Айни пайтда юздан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхонасида ўрнатилган терминал ва импринтерлар орқали муомаладаги Visa Classis ва Visa Electron халқаро карточкалари тўлов воситаси сифатида қабул қилинмоқда.

Бугунги кунда банкимиз Ўзбекистон банклари уюшмаси раҳбарлигида Ўзбекистоннинг “ЎЗКАРТ” банклараро ягона тўлов тизими билан Россиянинг “СБЕРКАРТ” банклараро тўлов тизими ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ юртимиз пластик карточкалари бозорида ҳисоб-китоб қилиш маркази вазифасини бажармоқда. Жорий йилда Ўзбекистон билан Россиянинг ягона технологияга асосланган тўлов тизимларини интеграциялаш ҳамда икки мамлакат микропроцессор пластик карточкаларига ўзаро хизмат кўрсатишга киришиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида банк-молия тизимини такомиллаштириш ва иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

СУД АМАЛИЁТИ

# Банкротлик масъулиятдан соқит қилмайди

**2005 йил давомида Наманган вилоят хўжалик судига корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ҳақида келиб тушган аризалар кўриб чиқилиб, 109 та юридик шахс банкрот деб эътироф этилди.**
**Банкротлик тушунчаси итальянча “bahko rotto” деган сўздан олинган бўлиб, аслида курсининг (ўриндиқнинг) синиши деган маънони англатади. Ҳуқуқий атамада эса қарздорнинг ночор аҳволга тушиб синиши, барбод бўлиши тушунилади.**

**Шукурбек ҲАСАНОВ,**
**Наманган вилоят хўжалик суди судьяси,**
**Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**

Яқинда Наманган вилоят хўжалик судида банкрот деб топилган “Саржам” кўптармоқли ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботи кўриб чиқилди. Унда қуйидаги манзара аён бўлди. Жавобгар — қарздор фирмани тугатиш жараёнида унинг давлат бюджетига солиқлардан асосий қарзи 14998200 сўм, устамалардан 4967000 сўм кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган. Фирмани банкрот деб топиш юзасидан матбуотда эълон берилган. Тугатиш комиссиясига бошқа кредиторлардан қарзни ундириш юзасидан мурожаат бўлмаган.

Корхона тасарруфида бирон-бир мол-мулк, пул маблағи борлиги аниқланмаган. Оқибатда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни ундиришнинг иложи бўлмаган.

Суд мажлисига белгиланган тартибда чақирилганига қарамай, жавобгар вакили келмади. Ҳатто, иш юзасидан эътироз ҳам билдирилмади. Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 130-моддасига биноан, ишни жавобгар иштирокисиз кўришни тақозо этади. Суд мажлисида тугатиш комиссиясининг якуний ҳисоботи эшитилди, ҳужжатлар, олиб борилган ҳаракатлар ўрганиб чиқилди. Маълум бўлдики, корхона раҳбари Б.Ниёзов корхона ҳисобидан ҳотамтойлик қилган. 2003 йил 1 июль ҳолатига 18500000 сўмлик асосий воситаларни, 3285800 сўмлик ишлаб чиқариш захираларини бошқа мақсадларга ишлатиб юборганлиги оқибатида солиқ ва мажбурий тўловлар тўланмай қолган. Солиқ кодексининг 4-моддасига асосан, солиқ ва йиғимлар тўланиши шарт бўлгани ҳолда, ҳисоб-китоб ўз вақтида қилинмаган. Давлат бюджетидан қарзларни мавжуд мулклар ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилмаган.

Бинобарин, Фуқаролик кодексининг 48-моддасида, агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин, деб қайд этилган.

Тугатиш бошқарувчиси судда ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан фирманинг банкрот бўлишига йўл қўйган Баҳром Ниёзовни субсидиар жавобгарликка тортишни, амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, фирмага нисбатан банкротликка доир ишни якунлаб, уни давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисида ажрим чиқаришни сўради. Шундай қилинди ҳам. Корхона раҳбари Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Баҳром Ниёзовнинг шахсий мол-мулки ҳисобидан республика бюджети фойдасига 14998200 сўм асосий қарз кредитор орқали ундириладиган бўлди.

> **Тугатиш бошқарувчиси судда ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан фирманинг банкрот бўлишига йўл қўйган Баҳром Ниёзовни субсидиар жавобгарликка тортишни, амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, фирмага нисбатан банкротликка доир ишни якунлаб, уни давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисида ажрим чиқаришни сўради.**

Худди шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа банкротлик ишларида ҳам кузатилмоқда. Жумладан, судда банкрот деб топилган “Авторивож” хусусий корхоналар уюшмасини тугатишга доир иш юритиш тамомланиб, қарздор тугатилган деб ҳисобланиб, давлат реестридан чиқариш, уюшманинг таъсисчиси — 22-автокорхона ҳисобидан иш ҳақи, солиқ, нафақа ва мажбурий тўловлардан қарзларини субсидиар тартибда ундириш тўғрисида ажрим чиқарилди.

Шунингдек, “Қирол шер” хусусий фирмасининг раҳбари Н.Сатторовнинг шахсий мол-мулки ва пул маблағлари ҳисобидан республика бюджетига 11121500 сўмлик асосий қарз шаҳар ДСИ орқали ундирилиб, банкротликка доир ишни якунлаш ҳақида ажрим чиқарилди.

Кўриниб турибдики, мутасаддилар корхоналарни синдиргач, масъулиятдан соқит бўлиб, “ялло” қилиб юришни ўйлаганлар.

Аслида ундай эмас. Банкротлик корхона раҳбари ёки таъсисчисини жавобгарликдан озод қилмайди. Аксинча, амалдаги қонун моддаларига қатъий риоя этган ҳолда, келтирилган зарарни ундириш чораларини кўриш, керак бўлса, айбдор шахсларга нисбатан ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган тегишли чораларни қўлланиши талаб этилади.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Шундай экан, ўз қилмиши учун ҳеч ким жавобгарликдан қочиб қутула олмайди.

# «ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Азиз ватандошлар!
Фасллар келинчаги бўлмиш сўлим баҳорнинг энг гўзал байрами — Наврўзи олам билан чин юракдан муборакбод этамиз.
Уйғониш, покланиш ва яшариш айёми барчамизга бир олам қувонч, аъло кайфият, битмас-туганмас бахт-саодат, хонадонларимизга осуда ҳаёт, қут-барака олиб кирсин.
Навоий ҳазратлари айтганларидек:
"Ҳар тунинг қадр ўлубон,
Ҳар кунинг Наврўз ўлсин".





*МАНФААТПАРАСТнинг уч тоифаси бўлади: ўзи яшаб бошқаларнинг яшашига халал бермайдиган, бошқаларга кун бермайдиган, ўзи ҳам яшамай, бошқаларнинг яшашига ҳам кун бермайдиган манфаатпараст*

ХОЛИС ФИКР

АҚШ

# Вашингтон сиёсати юзидаги ниқоб

## ёки миллионлар ортига яширинган манфаат хусусида

Бундан уч юз йил муқаддам, франциялик машҳур файласуф Ларошфуко "Ўтакетган адолатсеварлик адолатсизликка рўпара бўлишдан чўчиш белгисидир" деган эди. XVII аср файласуфининг ана шу ҳаётий хулосалари замиридаги ҳақиқатни англашга уринар эканмиз, бу фикрлар гўё Америка Қўшма Штатлари, хусусан, жаноб Буш маъмуриятининг маълум бир масалалар хусусидаги сиёсатига берилган баҳодек туюлаверади. Буни қарангки, мамлакатдаги мавжуд муаммоларга қарамай, Вашингтон сиёсатчилари бошқа мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ва адолат мезонларига қанчалар амал қилинаётганини астойдил ўрганишга бел боғлаганлари яна жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бош мавзусига айланиб қолди.




Шерзод ЭРАЛИЕВ

АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси "Марказий Осиёда демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги акт" лойиҳасини тасдиқлагандан сўнг ҳар қандай ақли расо кишида ҳақли бир савол туғилади: хўш, бундай ҳаракатлар замирида яна қандай нағмалар ётибди? Бу ҳужжатдан кўзда тутилган асл мақсад нима? Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу қонун лойиҳаси мазкур минтақа мамлакатларига нисбатан Америка томонидан янада қаттиққўл сиёсат ўтказишни назарда тутади, албатта. Масалан, ана шу актга мувофиқ, Вашингтон Марказий Осиёда нодавлат ташкилотлар тузиш, шунингдек, сиёсий партиялар, мустақил ОАВ ва босмахоналарни молиялаш учун 2006 йилдан бошлаб ҳар йили 188 млн. доллар ажратиб бориши керак. Бундан ташқари, том маънодаги АҚШ мақсадларига хизмат қилувчи "Америка овози", "Озодлик" радиостанцияларининг минтақадаги фаолиятини кучайтиришга қўшимча 15 млн. доллар миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Кузатувчиларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси Конгресснинг юқори палатаси томонидан ҳам тез орада қабул қилиниши кутилаяпти. Бу эса ўз-ўзидан минтақада америкапараст кучлар сафини кенгайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнларини тезлатишга қаратилган уринишдан бошқа нарса эмас. Чунки, ушбу нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ёлланган ОАВнинг барчаси буюртмачи, яъни гўёки "демократия улашувчи"ларнинг хоҳишига мос равишда иш олиб бориб, демократия тамойиллари, жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши талаби билан минтақадаги осуда турмуш тарзига қарши чиқишлари керак. Бир сўз билан айтганда, Вашингтон стратегияси минтақа мамлакатларида ана шундай мухолифатчи кучларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Гарчи ушбу моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғридан-тўғри "рангли инқилоб"ларга олиб келмаса-да, бундай сиёсат навбатдаги ёки навбатдан ташқари сайловларда натижа беришидан умид қилинмоқда. Чунки, мухолифат дея аталадиган ушбу кучлар ҳокимият тепасига келолмаган тақдирда ҳам Оқ уйнинг мамлакатлар ҳукуматларига зўр босим ўтказиши учун яхшигина тизгин бўлиб хизмат қилади. Масаланинг асл моҳияти шунда.

Сиёсий ўйинлар, турли ўзгаришлар оқибатини башорат қилиш асосий вазифаси бўлган аксарият кузатувчилар Америка ташқи сиёсатида инсон ҳуқуқлари масаласи бекорга асосий ўринга қўйилмаётганини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, бу омил Вашингтон учун давлатларни ўз хоҳишига қараб "иттифоқчи" ва "ғаним"ларга бўлишга ёрдам беради: Масалан, АҚШ ташқи ишлар вазирлиги вазифасини бажарувчи Давлат департаменти фаолиятини олайлик. У ҳар йили дунёнинг икки юзга яқин мамлакатида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича ҳисобот тайёрлайди. Ҳар йилгидек бу галги ҳисобот ҳам ана шундай мақсад ва муддаолар, манфаат ва қарашлар исканжасида тайёрлангани учун ҳам бир томонламалик "иллати"дан фориғ бўлолмади. Яъни, дўст ва душманга айланган давлатлар Америка сиёсатчиларининг нуқтаи назари бўйича, демократия ва инсон ҳуқуқларига қанчалик амал қилаётганига қарабгина ёрдам маблағлари олишлари мумкин. Жиддий эътибор қаратилса, тайёрланган ҳисоботлар у ёки бу давлатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳақиқий вазиятга эмас, балки улар юритаётган ташқи сиёсатнинг Америкага нисбатан тутган ўрнига, мазмун-моҳиятига қараб тузилгани яққол кўзга ташланади. Дейлик, бирон мамлакатда аёлларга иккинчи тоифали назар билан қаралмоқда. Лекин ана шу давлатнинг географик жойлашуви ва стратегик захиралари Американинг миллий манфаатларига мос тушса ёхуд ана шу манфаатларга хизмат қилса, у демократик давлат дея тан олинаверади. Аксинча ҳолат юз берса, яъни бирон бир давлат аввало, ўз аҳолисининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш орқали ҳамда ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамиятини мустақил равишда барпо этаётган бўлса (бу эса ҳар доим ҳам АҚШ манфаатларига мос келавермаслиги табиий), у қолоқ ва инсон ҳуқуқларини бузаётган давлат деб эълон қилинади. Оқибат эса икки карра иккидек аён: бундай ҳукуматга барча воситалар ишга солинган ҳолда таъсир кўрсатишга уринилади. Ана энди бир ўйлаб кўрайлик: бу каби қўштандартлар инсон ҳуқуқлари, демократия каби юксак, умуминсоний қадриятлар АҚШ сиёсати учун аслида бир ниқоб сифатида ишлатилаётганини кўрсатмаяптими?

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш ўринлидек туюлади. Вашингтондаги баъзи сиёсатчилар қўштандартлар сиёсатини очиқчасига ёқлашаётгани кўпчиликни ажаблантирмай ҳам қўйди. Масалан, Америка юқори доираларида маълум нуфузга эга бўлган "The Washington Post" газетасининг шу йил 7 март кунги сонида чоп этилган **"Оқилона қўштандартлар. Ёки "яхши" ва "ёмон" демократиялар ҳақида" номли мақола муаллифи жаноби Ричард Коэн АҚШнинг давлатларни ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, яхши ва ёмонларга ажратиши, "яхши"ларга ядро технологиялари бериш мумкину, "ёмон"ларни ҳар бир қадамда чалиши кераклигини оқилона сиёсат деб баҳолайди.** Муаллиф ҳеч тап тортмай бошқа давлатлар манфаатларидан, умуман ҳаёт ва мамот масаласига айланган дунёнинг кейинги тақдиридан Америка манфаатларини устун қилиб қўяди. Шундай пайтда Вашингтондаги айрим кимсаларнинг инсоният тақдири учун бутун масъулият Америка зиммасида экани ҳақидаги замонавий эртаклару иддаолари манфаатпарастликни яшириб турган чиройли пардадан бошқа нарса эмаслиги аниқ-равшан бўлиб қолмоқда.

Дарвоқе, масъуллик ҳақида сўз кетганда, яна бир далилни тилга олмаслик мумкин эмас. Ўтган ҳафтада Оқ уй АҚШ Миллий хавфсизлигининг 49 саҳифадан иборат янги стратегиясини эълон қилди. Америка учун ниҳоятда муҳим саналаётган мазкур ҳужжатда давлатларни демократлаштириш орқали бугунги қалтис вазиятни бартараф этиш масъулияти бир томонлама Америкага юклаб қўйилган. Бутун дунёдаги беқарор аҳволга айрим нодемократик давлатлар ва террорни қўллаб-қувватловчилар сабабчи ва уларни "тўғри йўлга қайтариш" учун Қўшма Штатлар дадил ҳаракат қилиши керак эмиш. Вашингтондаги Жаҳон хавфсизлиги институтининг дастур раҳбари Николай Злобин ҳам ушбу концепцияни американликлар менталитетига хос мессия (қутқарувчилик) ғояси, дея изоҳламоқда. Унинг таъкидлашича, американиклар ўз давлатларида дунёда энг зўр сиёсий тузум мавжудлигига қаттиқ ишонадилар ва бундан ниҳоятда фахрланадилар. Шу билан бирга улар жаҳондаги бошқа халқларнинг ҳам худди шундай тузуми бўлиши зарур ва бунда уларга АҚШ ёрдам бериши керак, деб ҳисобламоқдалар.

Вашингтон стратеглари эса бундай нуқтаи назардан ўз сиёсий хатти-ҳаракатларини оқлаш учун фойдаланмоқдалар. Чунончи, фалон давлат демократик эмас, унда инсон ҳуқуқлари мунтазам равишда бузилаяпти, деб эълон қилинади. Ҳукуматга қарши куч тўплаш учун мамлакатдаги нодавлат ташкилотларга, мухолифатга катта миқдорда маблағ ажратилади, мардикор бозоридан мардикорлар ёлланганидек ОАВ ёлланади, Вашингтондан туриб турли баёнотлар берилади. Қарабсизки, «олма пишди, оғзимга тушди», деганларидек кўз очиб юмгунча, ана шу давлатга нисбатан дунё жамоатчилигининг салбий муносабати шаклланади қўяди. Кейин эса бемалол амалий ҳаракатларга ўтавериш мумкин. Чунки халқаро ҳамжамият, айниқса, американикларда амалдаги ҳукуматни мухолифат билан алмаштириш орқали унинг халқига "ёрдам кўрсатиш" лозимлигига ишонч ҳосил қилинади. Американинг ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатидан озгина бохабар бўлган киши бундай ҳолатларга хоҳлаганча мисол келтириши мумкин. Яқин тарихда тўққиз йил азоб чеккан Вьетнамни оласизми, бугун роппа-роса уч йиллик азоб-уқубатларни бошдан кечираётган Ироқними...

Аслини олганда, "демократияга амал қилинмаётгани", "инсон ҳуқуқлари бузилаётгани" бир баҳона эканини, бу борада бирон-бир муаммоси, камчилиги бўлмаган давлатнинг ўзи йўқлигини барчамиз яхши биламиз. Инсон ўз табиатига кўра қонун-қоидаларни четлаб ўтишга ҳамиша мойилдир. Демак, жиноят бор жойда жазо ҳам бор. Шундай экан, барча фуқароларнинг давлатдан бирдек рози бўлишларини кутиш мантиққа тўғри келмайди.

Ёки бўлмаса масалага бошқачароқ ёндашайлик. Яқинда Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги маълум қилган 2005 йилда АҚШда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисоботда айтилишича, ҳатто ушбу мамлакатда бошқа аксарият давлатлардан ҳам кўпроқ қонунбузарлик рўй бермоқда.

Ҳисоботдаги маълумотларга кўра, мамлакат қамоқхоналаридаги маҳбуслар сонининг аҳоли сонига нисбати бўйича Қўшма Штатлар дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. 2004 йил якунида улар сони 2 млн. 267,8 минг нафарни ташкил этган. Бу эса бошқа давлатлардагидан 25 фоиз кўп, демакдир. Буни қарангки, 37 млн. қашшоқ АҚШ умумий аҳолисининг 12,5 фоизини ташкил этмоқда. Ана сизга инсон ҳуқуқларию, ана сизга демократия, дегинг келади. Яна бир мисол. Ўз президентлиги давомида жаноби Жорж Буш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқароларнинг телефондаги сўзлашувлари, почта, ҳатто электрон почталарини хуфёна текширишга рухсат берганлиги ҳақидаги хабар бутун дунё ОАВларида бежиз ёритилмаяпти. Бу эса инсон ҳуқуқлари бўйича дунё давлатларига "дарс" беришга уринаётган давлатнинг биз билган кичик бир муаммоси, холос. 2005 йил ноябрида Нью-Йорк шаҳри мэри лавозимига қайта сайланиш учун Майкл Блумберг жаноблари оз эмас, кўп эмас, 77,89 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаганлари, яъни ҳар бир сайловчининг овози учун 100 доллардан тўлаганини қай бир демократия қолипларига сиғдириш мумкин?

Куни кеча 2003 йилда бошланган Ироқ урушида тахминан 100 минг кишининг қурбон бўлгани ҳақидаги хабар яна бир карра инсониятни Ироқ масаласига жиддийроқ ёндашишга ундади, дейиш мумкин. Бу мамлакатда қон тўкиш ва зўравонликлар ҳали-бери тугамайдиган кўринади. Бутун дунё АҚШга тегишли Гуантанамо қамоқхонасида инсонлар қадр-қиммати таҳқирланиб, маҳбуслар қаттиқ хўрланаётгани ҳақида бонг ураяпти. Ҳар қандай ақли расо одам бу каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўяётган АҚШ ҳукуматининг ўзга давлатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятга баҳо беришга маънавий ҳаққи йўқлигини айтиши тайин.

Яна бир ғалати ҳолатга эътибор қаратайлик. Куни кеча БМТ Бош Ассамблеяси аъзолари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш тузиш учун овоз бердилар. Исроил, Маршалл ороллари, Палау каби давлатлар қаторида Қўшма Штатлар ҳам бундай кенгаш тузилишига қарши чиқди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса эса битта.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия олий умуминсоний қадриятдир. У барча давлатлар интилаётган, ўз фуқаролари учун таъминлаб бермоқчи бўлган манзил, дейиш мумкин. Лекин ҳозирги кунда инсонни олий хилқат сифатида эъзозлаш, эркинлик ва адолат каби умумбашарий тамойилларни ўзаро ўрганиш, уларнинг миллий қадриятлар билан уйғунлашувига имкон бериш ўрнига "демократик модел"ларни экспорт қилишга уринишлар қалтис хато эканини инсониятнинг яқин тарихи кўрсатиб қўйди. Ваҳоланки, зўравонлик йўллари асосида ўз қадриятларини сунъий тиқиштириш, турли усуллар билан босим кўрсатишга уриниш, кичик давлатларга катталарининг зуғум қилиши демократиянинг асл табиатига зиддир. Кема чўкишни бошласа, барча йўловчилар бирдек хавф остида қоладилар. Кеманинг хавфсизлигини ва эсон-омон манзилга етиб боришини таъминлаш мақсадида унинг саҳнидаги ҳар бир киши ўз фикрини тўлиқ ифода эта олиши лозим. Ана шундагина демократия тамойиллари она Ер сайёраси деб аталмиш улкан кеманинг ўз кўзлаган манзилига эсон-омон етиб келиши учун машъал вазифасини ўтай олади. Ўз манфаатларидан бошқа ҳеч нарса билан ҳисоблаша олмайдиган айрим сиёсатчилар иддаолари эса ҳозирча ана шу ақидага амал қилинмаётганини кўрсатаяпти. Бу эса демократик ёндашув эмас, албатта.

ТАФСИЛОТЛАР ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,

БЕЛАРУСЬ

Беларусда бўлиб ўтган сайлов ва унинг натижалари жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда, жамоатчиликнинг қизғин тортишувларига сабаб бўлаяпти. Ҳар галгидек, инсон ҳуқуқлари "даъвогар"лари бўлмиш Европа ва АҚШ МДҲ таркибидаги улар йўриғига юрмаган яна бир давлатда бўлиб ўтган сиёсий тадбирга салбий баҳо берди.

# Халқ иродаси — ҳақ ирода



Масалан, Қўшма Штатлар Беларусь мухолифатининг такрорий сайлов ўтказиш ҳақидаги чақириғини қўллаб-қувватлаб, қўрқув муҳитида ўтган тадбир натижаларини тан олмаслигини, жазо чоралари кўриш масаласини ўрганаётганлигини эълон қилди. Илгарироқ эса Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳам сайлов демократик тамойилларга, халқаро меъёрларга зид тарзда ўтган, деб таъкидлаганди. Европа Иттифоқи вакиллари ҳам президентлик сайловини танқид остига олдилар. Ташкилотнинг ташқи ишлар бўйича комиссари Бенитта Ферреро-Вальднер Минскка нисбатан янги санкциялар қўлланиш эҳтимоли юқорилигини яширмади. МДҲ кузатувчилари миссияси эса сиёсий тадбир эркин, очиқ ва қонунбузарликларсиз ўтди, деб баҳолади.

Агар Ғарб ҳам холис фикрлаганида, Беларусь халқининг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилган бўларди, деди президент Александр Лукашенко Минскда ўтказган матбуот анжуманида. Ғарбнинг ғазабкорона муносабати ортида аслида бошқа сабаблар ётибди. Негаки, уларнинг сайлов ортидан Беларусда инқилоб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги орзулари чиппакка чиқди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 82 фоиз овоз тўплаб, учинчи маротаба президентлик лавозимига сайланган Александр Лукашенко халқаро қамалдан чўчимаслигини, бироқ Минск барча мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ ва Европа Иттифоқи билан тенг ҳуқуқли мулоқотга тайёрлигини баён қилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

БУЮК БРИТАНИЯ

# Лейбористларнинг навбатдаги ҳийласи

Буюк Британиянинг сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳасига тузатишлар киритилди. Унга кўра, сиёсий партияларга бериладиган қарзлар, совғалар декларация қилиниши керак. Бунга лейбористларнинг, ҳомий миллионерларнинг Лордлар палатасига ўтишида пиар вазифасини ўтагани билан боғлиқ савдонинг ошкор этилиши бунга сабаб бўлди.

Гулноза ЮСУПОВА



ОАВда маълум қилинишича, лордликка даъвогар миллионерлар Барри Таунсли, Дэвид Гаррард ва Чай Пэтел лейбористларга 4,5 млн. фунт стерлинг (7,9 млн. доллар) маблағни қурбон қилишган. Бироқ партия буни ҳаммадан яширган. Гарчи 2000 йилги сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунга кўра, фоизлар эвазига берилган қарзларни ошкор этиш шарт бўлмаса-да, бу воқеа жамоатчиликда кучли акс-садо берди. Аксига олиб, шу ой бошларида Лордлар палатасини тайинлаш комиссияси ҳеч қандай тушунтиришларсиз уч миллионернинг номзодини рад этди.

Лейбористлар хазинабони Жек Дромининг яна бир сирни ошкор қилиши оловга мой қуйиш билан баробар бўлди. У баёнот бериб, партия олган қарзлардан хабарсизлиги ва энди ОАВдаги маълумотлар асосида текширув бошлашини маълум қилди. Молиявий манбаларни жамоатчиликка ошкор қилиш билан боғлиқ шошилинч чоралар лейбористлар шаънига айтилаётган танқидлар ёмғирини тўхтата олмади. Айни воқеалар бош вазир Тони Блэрнинг омма орасидаги обрўйини янада тушириб юборди. Sunday Times газетасида чоп этилган сўров натижаларига қараганда, мамлакат фуқароларининг 56 фоизи бош вазирнинг партия одамларини лордликка ҳеч қачон саховатликлари эвазига илгари сурмаган, деган қабилдаги баёнотларига ишонмаслигини кўрсатди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Блэрнинг рейтинги 36 фоизга тушиб кетган.

*ОШКОРА баҳслар туфайли хатоларгина эмас, балки энг ёмон бемаъниликлар ҳам тезда бартараф этилади*

www.21asr.com
XXI_ASR@yahoo.com

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

ФУТБОЛ

# Даъвогарлар сафи кенгаймоқда

## Бу йил мамлакат биринчилигининг аввалгиларига нисбатан анча қизиқарли ўтиши кутилмоқда

**Мухлисларга аён: ўтган мавсумда водий жамоалари аксарият ҳолларда ўзларига хос бўлмаган ўйин намойиш этишди. Қашқадарё вилоятининг икки клуби — "Насаф" (Қарши) ва олий лиганинг янги вакили "Машъал" (Муборак), аксинча, амалдаги чемпион — "Пахтакор"га, озми-кўпми, ташвиш туғдиришга эришишди. Жумладан, қаршиликлар пойтахтликларни ортда қолдириб, биринчи даврани пешқадам (чемпионат якунида эса бронза медали соҳиби) сифатида якунлаган бўлсалар, муборакликлар "сўнгги марра"га кумуш медалларни қўлга киритган ҳолда етиб келдилар. Шундай экан, ўқувчиларимизда "Ўн кун аввал "почин" қилишга улгурган жамоаларнинг қайсилари бу йил чемпионлик учун курашади ва янги мавсум эскисидан қандай жиҳатлари билан фарқланади?" каби ҳақли саволлар туғилиши табиий.**



Шуҳрат ХЎЖАЕВ

Мутахассислар фикри ва бугунгача бўлиб ўтган икки тур натижаларини таҳлил этарканмиз, асосан мамлакат термасида тўп сурадиган футболчилардан иборат "Пахтакор" билан рақобатлаша оладиган, яъни тенгма-тенг ўйнайдиган жамоаларнинг сони бу йил ортади, деган хулосага келиш мумкин. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак (олдинги мавсумдан фарқли равишда 14 та эмас, балки 16 та иштирокчи-клуб ўртасида ўтказиладиган мазкур мусобақа давомида), бу йил фахрли ўринлар учун моддий томондан ўзини анча ўнглаб олган "Пахтакор", "Насаф" ва "Машъал"дан ташқари, Фарғонанинг "Нефтчи", Тошкентнинг "Трактор", "Самарқанд-Динамо", Зарафшоннинг "Қизилқум", "Навбаҳор-Наманган" жамоаларининг кураш олиб бориши кутилмоқда.

Айни пайтда турнир жадвалини тўплар нисбати бўйича оз бўлса-да, яхшироқ кўрсаткичга эга, олти очколи "Нефтчи" жамоаси бошқариб бораётган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни шунча очко тўплаган пойтахтнинг икки жамоаси — "Пахтакор" ва "Трактор" эгаллаб турибди.

26 ва 27 март кунлари бўлиб ўтадиган учинчи турдан сўнг эса мусобақа жадвалидаги ҳолат кескин равишда ўзгариши мумкин. Сабаби — шу куни "Пахтакор" ўз майдонида "Нефтчи" билан учрашиб, карвонбошилик "муаммо"сини ҳал қилиш пайида бўлса, "Машъал"ни қабул қилган "Бухоро" футболчилари ва Зарафшонда "Самарқанд-Д"га қарши майдонга тушадиган "қизилқум"чилар жадвал ўртасидан юқорироққа кўтарилиш учун баҳс юритадилар. Қолган ўйинларда қуйидаги жамоалар рўпара келишади:

*«Сўғдиёна» — «Тўполанг»,*
*«Локомотив» — «Шўртан»,*
*«Андижон» — «Трактор»,*
*«Насаф» — «Металлург»,*
*«Хоразм» — «Навбаҳор».*

БИЗНЕС-БАШОРАТ

**ҚЎЙ.** Шахсан сизга тегишли бўлмаган ишларга аралашиб, юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун бошингизни оғритиб юрманг. Жума куни иш юзасидан катта манфаат келтирадиган таклифни қабул қилишингиз кутилмоқда. Дам олиш учун вақт ажратишни унутманг.

**БУЗОҚ.** Камроқ гапириб, керакли одамларнинг маслаҳатига кўпроқ қулоқ солинг. Шундагина келаси ҳафтада кўзлаган мақсадларингизнинг барчаси рўёбга чиқади. Ҳафта охирида йиллар мобайнида қилган меҳнатларингиз эвазига мукофот олишингиз кутилмоқда.

**ЭГИЗАКЛАР.** Бинойидек бошланган ҳафтанинг ўрталарида кутилмаганда ўтиш қийин бўлган тўсиқларга дуч келишингиз мумкин. Устига-устак, яқинларингизнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ муаммолар оғирлиги ҳам сизнинг елкангизга тушади. Шу боис қийин вазиятдан чиқиб кетиш учун ҳомийлардан ёрдам сўрашга мажбур бўласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Душанба куни бошланган музокаралар сўнгида айнан сизнинг ютиб чиқишингиз эътироф этилиши кутилмоқда. Узоқ ва яқин танишларингиз томонидан қўллаб-қувватланасиз. Шундай экан, сиз ҳам ўз навбатида оилангиз аъзоларида туғилиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш ҳақида қайғуринг.

**АРСЛОН.** Ҳаддан зиёд кўпайиб кетган ишларингизни майда "қисм"ларга бўлиб ташлаган ҳолда бажаринг. Ижод билан шуғулланадиган "арслон"ларнинг илҳомлари жўшиб кетиши кутилмоқда. Ҳафта ўрталарида узоқда яшайдиган қариндошларингиз билан мулоқотда бўлганингиздан сўнг кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

**ПАРИЗОД.** Ҳафта сиз учун ниҳоятда омадли келиши кутилмоқда. Касбингиз атрофдагиларга қанчалик наф беришини кўриб, ишга муносабатингиз тубдан ўзгаради. Дам олиш кунлари ўзингиз хоҳлаганингиздек ҳордиқ чиқаришга муваффақ бўласиз.

**ТАРОЗИ.** Тадбиркор "тарози"лар таклиф қилаётган маҳсулотларини аввалгига нисбатан қимматроқ нархда сотсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман олганда, келаётган ҳафтада бирор ишга қўл урганингизда иккиланиб, қулай фурсатни бой бериб қўйманг. Омад фақат сизнинг тарафингизда бўлади.

**ЧАЁН.** Иложи борича бировдан қарзга пул олмасликка ва аксинча, бошқаларга, "қисқа муддат"га бўлса-да, бермасликка ҳаракат қилинг. Топган-тутганингизни фойда келтирадиган ишга сарфланг. Бу — давр талаби. Зеро, юлдузлар башорат қилишича, "чаён"лар айни моддий ёрдамга муҳтож пайтларида катта пуллик мукофотга сазовор бўладилар.

**ЎҚОТАР.** Ҳафта давомида қатор лойиҳаларни амалга ошириб, раҳбарларингиз диққат-эътиборини қозонишингиз кутилмоқда. Оилавий можароларни битта гапдан қолган ҳолда ҳал қилинг. 1 апрель ҳазилидан жиддий "жабр" кўрсангиз-да, асабларингизни жиловлашга тайёр бўлиб туринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ташвиш чекманг: сизнинг хатти-ҳаракатингизда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаган. Яқинларингиз, ҳамкасбларингиз ҳам, замон ҳам ўша-ўша. Гап шундаки, сиз атрофингизни ўраб турган нарсаларга, ўзаро мавжуд алоқаларга баҳор мисоли янгилик киритиш ниятидасиз. Муҳим тадбирларни чоршанба ва жума кунларига кўчиринг.

**ҚОВҒА.** Айбингиз борлиги боис раҳбарингизнинг бақир-чақиру танбеҳларини бошингизни эгган ҳолда, ҳеч қандай эътирозсиз эшитишга мажбур бўласиз. Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ўзбошимчаликка йўл қўйманг. Албатта, шифокор кўригидан ўтинг.

**БАЛИҚ.** Тиним билмай ишлаб, фидокорона меҳнат қилиш учун қулай ҳафта. Бор кучингизни доимо бир жойга тўплаб, ҳал қилувчи зарбани беришга тайёр туринг. Бу қўлингиздан келади. Аммо дам олишни ҳам ёддан чиқарманг. Айтайлик: ҳафта охирида дўстларингиз билан биргаликда кичкина зиёфат уюштиринг.

СОВРИНДОРЛАР

O`zLiDeP ВА СПОРТ

**Маълумки, O`zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари мамлакатимизда спортни ривожлантириш, хусусан, турли мусобақаларда ғолиб бўлган фахрий ва ҳаваскор спортчиларни рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

# Иқтидорлилар ардоқда




Партиянинг Шўрчи туман кенгашининг яқинда каратэ бўйича Республика кубогида фахрли биринчи ўринни эгаллаган "Шўрчи дон маҳсулотлари" АК спорт мажмуасининг катта мураббийи Акмал Тўраевга партиянинг DVD магнитофони, телевизор, гилам каби совғалари топширилгани фикримизга яққол далил бўла олади.

— Туманимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар, айниқса, ёш истеъдодларга алоҳида шарт-шароит яратишга, имкони борича ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак беришга ҳаракат қиламиз, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдухалил Дониёров. — Чунки айнан ана шу ўғил-қизларимиз эртага Ватанимиз байроғини юқори кўтарадилар. Мисол тариқасида 14-15 яшар ўсмирлар ўртасида қўл жанги бўйича Республика очиқ чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари қўл жанги федерацияси томонидан олтин медаль билан тақдирланган Беҳруз Абдужалиловни олайлик. Унга эришган ютуқлари эвазига туман кенгашининг телевизор, гилам ҳамда махсус совғалари топширилди.

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

# «Машъал» мағлубиятдан қутулиб қолди, «Пахтакор» эса...

**Кеча Осиё Чемпионлар лигаси баҳсларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган икки жамоа — "Машъал" ва "Пахтакор" навбатдаги учрашувларни ўтказишди.**

Жумладан, 8 март куни бўлиб ўтган сафардаги биринчи турда Ироқнинг "Ал Минаа" жамоаси устидан шов-шувли ғалабага эришган "Машъал" футболчилари Қаршида ўтказилган иккинчи турда БААнинг "Ал Айн" клубига қарши тўп суриб, аранг мағлубиятдан қутулиб қолишди. Зеро, Осиёнинг энг номдор клуби вакилларига рўбарў келган мусобақа дебютантлари, яъни мезбонлар учрашув бошидаёқ ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди: 15-дақиқада "ал айн"чилар томонидан уюштирилган тезкор қарши ҳужум меҳмонларнинг кот-д`ивуарлик легионери Иброҳим Диакининг Юрий Цой қўриқлаётган дарвозанинг ишғол қилиши билан якунланди. Шундан сўнг тўпни эгаллашда ва оширишда ҳамюртларимизга нисбатан тажрибалироқ араблар ҳисобни сақлаб қолиш мақсадида ҳимояга ўтиб олишди. Шундай бўлса-да, кетма-кет ҳужумлар уюштирган муборакликлар ҳакам томонидан қўшиб берилган сўнгги 4-дақиқада ҳисобни тенглаштиришга эришишди. Ўтган миллий чемпионат баҳсларида тўпурарлар рўйхатидан жой олган Шуҳрат Мирхолдиршоев жамоасини мағлубиятдан қутқариб қолди.

Икки ҳафта аввал Суриянинг "Ал Иттиҳод" жамоасидан кучли эканини намойиш этган "Пахтакор" футболчилари Қувайтнинг "Ал Қодасия" жамоаси билан учрашувнинг биринчи тайми охирида Анвар Солиев томонидан киритилган тўпдан сўнг 1:0 ҳисобида олдинда бораётган эдилар. Аммо ўйиннинг охирида ўз дарвозаларидан икки тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди ва нақд ғалабани бой бериб қўйдилар.

Эслатиб ўтамиз: 12 апрель куни бўлиб ўтадиган навбатдаги тур учрашувларида Валерий Непомнящий мураббийлигидаги пойтахтликлар "Пахтакор" марказий стадионида Эроннинг "Фулад" клубини қабул қилишади. Виктор Жалилов шогирдлари, яъни муборакликлар эса Саудия Арабистонининг "Ал Ҳилол" жамоаси меҳмони бўладилар.

ЯНГИЛИК

## КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!




*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир МАЛИКнинг янги асари —*
***«ҚОРА ФАРИШТА»***
*босмадан чиқди.*

*Китоб савдоси билан шуғулланувчилар учун телефонлар: 132-14-47, 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81*









ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Раҳмон ҚЎЧҚОР
Суннатулла УМАРОВ
Сирожиддин САЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
А. СОЙИБНАЗАРОВ,
Ш. ЭРАЛИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-567
Тираж: 17268

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

XXI ASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ
«ASR EKSPRESS-MEDIA»
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail:milapress@yahoo.com

РЕКЛАМАЛАР







